

Ma'naviyat — o'z xalqining tarixini, uning madaniyati va vazifalarini chuqur bilish va tushunib yetishga suyangandagina qudratli kuchga aylanadi.

Islom KARIMOV



АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 16 июнь куни пойтахтимизнинг Учтепа туманида бўлди.

Президентимиз туманда бунёд этилиши режалаштирилаётган кўнгилочар ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди.

Қарийб олти гектар майдонни эгаллаган мазкур истироҳат боғида замонавий, хавфсиз, энергиятежамкор аттракционлар, болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширадиган ўйин қурилмалари, сузиш ҳавзаси, фаввора, китобхоналик учун махсус жой, скейт ва гуллар майдончалари, савдо шохобчалари, автомобиллар турадиган жой ва бошқа зарур инфратузилма иншоотлари қурилиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев истироҳат боғи лойиҳасини янада такомиллаштириш, замонавий гипермаркет бунёд этиш, унда кинотеатр, кутубхона ва бошқа зарур дам олиш масканлари бўлиши, бунёдкорлик ишларида Жанубий Корея, Япония каби давлатлар тажрибасидан фойдала-

ниш зарурлигини таъкидлаб, мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди.

Учтепа туманидаги 78-мактаб 1967 йилда қурилган. Мактабни қайта таъмирлаш, моддий-техник базасини мустақамлаш режалаштирилмоқда. Президентимиз мазкур мактабни бориб кўрди.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг замонавий билим олиши, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб улғайиши учун зарур шароит яратиш бора-бор кўриб чиқилган давом эттирилмоқда.

Президентимиз мактаб билан коллежлар ўртасидаги боғлиқликни мустақамлаш, хусусан, ушбу мактабда тажриба сифатида 11 йиллик таълимни қайта тиклаш, унинг қошида ўқув-касб курси ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 6-бетда.)

ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

Шу йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ҳамда маданият намояндalари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар!

Авалло, шу улуг айём кунларида — муборак Рамазон ойида сиз, азизлар билан кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугун сизлар билан — эл-юртимиз ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган дин арбоблари, илм-фан, маданият намояндalари, жамоатчилик вакиллари билан муҳим бир масалани муҳокама қилиш учун шу мухташам залга йиғилдик.

Кун тартибига қўйилган масала, яъни, ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соф-

лом муҳитни мустақамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Нега деганда, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз тақдири ва келажагини, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамотимизни ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Хар бир онгли инсонни чуқур ўйлантириб, ташвиш ва хавотирга соладиган бу масалалар ҳақида сўз юритишдан аввал ҳозирги вақтда шу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга, дастур ва лойиҳаларга қисқача тўхталиб

ўтиш, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда она юртимиз, Ўзбекистонимиз таракқиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингани ва уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб борилаётганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Таъкидлаш керакки, ушбу стратегия барча соҳа ва тармоқларда ҳаётимизга чуқур кириб, амалий ҳаракатларимиз мезонига айланиб бормоқда. Айниқса, 2017 йилнинг юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилингани бу борада катта аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда.)



Abituriyent — 2017



Олий таълим муассасаларига қабул бошланди

Юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида янги ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни аввалги йилларга қараганда беш кун олдин бошланди. Президентимизнинг шу йил 5 майдаги «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан бу йил қабул жараёнига муайян ўзгаришлар киритилди. Бу олий маълумотли бўлишга иштиёқи баланд ёшларда катта қизиқиш уйғотаётгани боис улар илк кунларданоқ қабул комиссияларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишмоқда.

(Давоми 6-бетда.)

ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҲАМЖИХАТ БЎЛИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу йўлдаги амалий қадамлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда Виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Бу тузилмалар ўтган қисқа даврда эл-юртимиз ўртасида фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини қонуний асосда ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган институтга айланиб бораётганини алоҳида қайд этиш керак.

Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари ўз фаолиятини бошлаганидан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимиз бўйича қарийб 890 мингта яқин фуқаро ариза билан мурожаат қилган. Ушбу мурожаатларнинг 93 фоизи ўрганилиб, тегишли жавоб қайтарилган.

Мурожаатларнинг қолган қисми эса, айни пайтда мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда. Алоҳида таъкидлаш зарурки, фуқароларимиздан келиб тушаётган мурожаатларнинг қарийб 80-90 фоизи асосли ва ўринли бўлиб, улар йиллар давомида эътибор қаратилмасдан, тўпланиб қолган муаммолар эканини таҳлиллар кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси, очигини айтишда бундан бундан катта-кичик бугундаги раҳбарлар, давлат ва ҳўжалик органлари ходимлари халқ билан мулоқот қилишни деярли унутиб қўйганини, бу масала жамиятимизда нақадар долзарб бўлиб турганини кўрсатади.

Шу муносабат билан мен яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини таъминлаш — бу вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сифатининг устувор йўналиши бўлиб, доимо эътиборимиз марказида турадиган масаладир.

Шу борада яна бир муҳим институт — Фуқаролар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Президентнинг давлат маслаҳатчиси хизмати тузилганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги кунда ушбу хизмат ходимлари томонидан жойларда — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида сайёр қабуллар ташкил этилиб, аҳолининг мурожаатлари маҳаллий давлат бошқаруви идоралари вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилинаётгани ҳам сизларга маълум.

Бу ҳақда албатта кўп гапириш мумкин. Лекин ана шу ишларимиз, ислохотларимизнинг барча-барчаси улуг ва ягона бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимизнинг тинчлиги, оқилолигини асраш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдан иборат.

Бугун сизлар билан шу йўналишда олиб бораётган ишларимизни атрофлича таҳлил қилиб, уларни танқидий баҳолаб, ўз ечимини кутаётган долзарб вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Сизларга яхши маълум, бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шўбҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик аънавалари муҳим роль ўйнамоқда. Ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи сифатида бир мисол келтири-

моқчиман. Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур даврида бунёд этилган, Дониёр пайгамбар номи билан аталадиган мақбара ислом, христиан ва яҳудийлик дини вакиллари томонидан бирдек эъзозланади.

Эл-юртимиз неча асрлардан буён бу кўтулғу қадамжони асраб-авайлаб, обод қилиб, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келмоқда.

Шу биргина мисолнинг ўзи олижаноблик, эзгулик ва том маънодаги бағрикенглик фазилати халқимиз табиати, менталитети асосини ташкил этишидан далолат беради.

Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларимиз тенг ҳўқуқ ва эркинликларга эга экани кафолатлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, аънава ва урф-одатларини сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган.

Биз бугун амалга ошираётган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Юртимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий марказ катта роль ўйнамоқда.

Ана шу марказлар фаолиятини янги босқичга кўтариш, ҳорижий мамлакатлар билан маданий дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида биз яқинда муҳим бир қарор қабул қилдик. Унга биноан Республика байналмилал маркази негизда Миллатлараро муносабатлар ва ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилди.

Эндиги вазифа — мазкур кўмита олдида қўйилган долзарб масалаларни самарали ҳал қилиш, унинг фаолиятини талаб даражасида ташкил этишдан иборат.

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилди. Жумладан, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича жуда кўп иш қилинди ва қилинмоқда.

Қиёслаш учун фақатгина баъзи бир мисолларни келтиримоқчиман. Агар собиқ мустабид тузум даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг 42 тани ташкил этмоқда.

Уша қарамлик йилларида Ўзбекистонда санокли кишиларгина ҳаж қилиш имкониятига эга бўлган эди, ҳолос. Мустақиллик йилларида эса ҳар йили 5 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб келади. Жорий йилда 7200 нафар фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўлдilar.

Бунинг учун барчамиз Оллоҳга шўкрона келтириб, сиз, муҳтарам уламолар, имом-хатиблар, жамоатчилик вакиллари билан бирга динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича бошланган ишларимизни давом эттиришимиз керак.

Кейинги вақтда мен жойларда

бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрга ишонч ҳосил қилишганимиз, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуг олим уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганишимиз йўқ.

Мисол учун, Қашқадарё заминида буюк аллома, мотуридия таълимоти-нинг йирик вакили Абу Муин Насафий бобомизни яшаб ўтганлар. У киши узок муддат Бухоро ва Самарқандда таҳсил олиб, калом илми, яъни исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб ёзганлар. Ана шу китобларидан, бундан минг йил олдин дин масаласида адашганларга тўғри йўл кўрсатганлар.

Биз сайловолди учрашувларида ваъда қилган эдик. Ҳаммангиз "ойнаи жаҳон" орқали кўрдингиз, буюк ҳадисшуно аллома Исо Термизий бобомизнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги мангу оромгоҳларини ҳар томонлама обод қилиб, у ерда алоҳида илмий марказ барпо этдик.

Худо хоҳлса, Насафий бобомиз зиёратгоҳида ҳам ана шундай муаззам мажмуа барпо этамиз, бу улуг зотнинг китобларини таржима қилиб, нашрдан чиқарамиз.

Мана шундай савобли ишларни Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг қадамжолари бўйича, Тошкентда Имом Термизий номиди-ги масжид ва Сузук-ота мақбараси бўйича бошлаб йобурганимиздан сизлар албатта хабардорсиз, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, очик тан олиш керак, тарихий-диний меросимизни ўрганиш, тиклаш ишлари ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас.

Яқинда Бухоро вилоятида сафарда бўлганимизда, машҳур Мир Араб мадрасасини кўриб, тўғриси, анча хижолат бўлдим. Неча замонлардан буён халқимизга, динимизга хизмат қилиб келаётган, нафақат юртимиз, балки мусулмон дунёсида шўхрат қозонган қанчадан-қанча уламоларни камолга етказган бу муқаддас даргоҳ ачинарли ҳолга тушиб қолгани албатта афсуслидир.

Бугунги кунда мазкур диний ўқув масканининг нуфузи ва макромини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бу ердаги қадимий биноларни тўвдан таъмирлаш, ёна-атрофдаги худудни ободонлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай эзгу ишларимиз қаторида биз ҳозир яна бир йирик лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб бораёмиз.

Маълумки, бизнинг минтақамиз, авваламбор, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва мадания-тининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади.

Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсон-парварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида биз азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида **Ўзбекистондаги Ислам маданияти маркази** барпо этишга қарор қилдик.

Нега деганда, **"Жаҳолатга қарши — маърифат"** шиори остида мана шундай марказни ташкил этишни бугун даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу марказни машҳур Хастимом мажмуаси худудиди ташкил этиш, бу

ерда юртимиздан етишиб чиққан буюк ислом олимлари, аллома ва мутафаккирлари, жаҳон маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган улуг шоир ва адиблар, расом ва хаттотларга оид бой маълумотларни му-жассам этиш кўзда тутилмоқда.

Марказ аввало меъморий ва бинокорлик нуқтаи назаридан ниҳоятда улугвор, муҳташам ва ноёб бўлиши лозим. Ушбу мажмуа ўзида нодир экспонатларга бой музей ва кутубхонани мужассам этади. Шу билан бирга, бу ерда кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади.

Бу масканга ташриф буюрувчилар бир вақтнинг ўзида ислом оламининг ўнлаб энг ёрқин намоёндаларининг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имконига эга бўлади.

Масалан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улўғбек, Али Қўшчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари аллома ва мутафаккирлар, Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб каби мусаввирларнинг бебаҳо меросидан намуналар, улар таваллуд топган ва фаолият кўрсатган тарихий шаҳарлар манзаралари турли ноёб экспонатлар орқали акс эттирилади.

Бизга ватандош бўлган ҳар бир аллома ва мутафаккирининг ҳаёти ва фаолиятига экспозицияда алоҳида бир бўлим бағишланади.

Ўзбекистонда уларнинг шарафига барпо этилган меъморий ёдгорликлар макетлари, қўлёзма ва босма асарлар, хаттотлик намуналари, ўша даврдаги амалий санъат буюмлари ва бошқа экспонатлар шу бўлимларда намойиш этилади.

Ўз вақтида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз юртимизга олиб келган муқаддас Куръони каримнинг Усмон нусхаси мазкур музейнинг марказида нур сочиб, бутун зални чароғон этиб туради.

Азиз дўстлар, фурсатдан фойдаланиб, барчангизни ана шу савобли ишда ўз тақлиф ва маслаҳатларингиз билан фаол иштирок этишга чақираман.

Сизларга яхши маълумки, турли давр ва шароитларда тақдир тақозоси билан юртимиз тарихи ва маданиятига, динимизга оид қўлпаб ноёб қўлёзмалар ва архив ҳужжатлари четга олиб кетилган. Улар бугунги кунда ҳорижий давлатларнинг фонд ва музейлари, илмий-маърифий муассасаларида сақланмоқда. Ушбу ноёб тарихий ашёлар ва санъат асарлари нафақат халқимизнинг нодир дурдонаси, балки жаҳон аҳамиятига молик йирик коллекциялар ҳисобланади.

Чет элларда сақланаётган маданий бойликларимизни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш, имкон қадар мамлакатимизга олиб келиш мақсадида кейинги даврда бирмунча ишлар амалга оширилди. Лекин ҳаммаимиз тушунамизки, бу ишларни жамоатчилик асосида ҳал қилиб бўлмайди. Бу масалани давлат сифати да-ражасига кўтариш зарур.

Бу эса тегишли молиявий ва ташкилий ресурсларни, соҳага юқори илмий салоҳиятли кадрлар ва мутахассисларни жалб қилишни талаб этади.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 17-iyun, № 48 (9009)

ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

(Давоми.
Боши 1-, 2-бетларда.)

Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун биз ҳозирги вақтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида марказ тузиш бўйича қарор лойиҳаси устида ишлаяпмиз.

Бундан асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини аниқлаш, фарзандларимизни шу улғур меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат.

Бизнинг ана шундай ишларимиз нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам жиддий қизиқиш уйғотмоқда.

Дунёдаги, мусулмон оламидаги нуфузли халқаро ташкилотлар, катта обрў-эътиборга эга бўлган расмий шахслар бу борада биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдиришмоқда.

Сизларга маълумки, 2016 йил октябр ойида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтказилган учрашувида Ўзбекистон томонидан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқотлар марказини тузиш тўғрисида ташаббус илгари сурилган эди.

Яқинда Саудия Арабистонига савфаримиз пайтида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ислом тараққиёт банки ўртасида айна шу масала бўйича аниқлаш меморандуми имзоланди.

Мазкур банк президенти Бандар Ҳажар жаноблари ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, **“Ислом тараққиёт банки — бу Ўзбекистоннинг банки”**, деб айтдилар. Бу сўзлар бутун ислом уммати, ислом жамоатчилигининг Имом Бухорий юртига, унинг авлодларига бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми ифодаси, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Саудия Арабистонига ўтказилган халқаро саммитда катта-катта давлатлар, араб, мусулмон мамлакатлари ва АҚШ раҳбарияти бир фикрга алоҳида ургу беришди. Яъни, улар жаҳолатга қарши маърифат, таълим-тарбияни кучайтириш билан курашиш зарур эканини таъкидлашди.

Бу фикрлар диний масаладаги бизнинг ёндашувимиз билан уйғун ва ҳамоханг экани аинқас эътиборлидир. Жумладан, АҚШ Президенти Дональд Трамп жаноби олийлари ҳам шу борада аниқ ва конструктив тақлифларини илгари сурди.

Мен Президент сифатида Америка халқи ва ўз номимдан қафолат берман, биз терроризм ва экстремизмга қарши қаттиқ кураш олиб борамиз, бу йўлда, қайси дин вакили бўлишимиздан қатъи назар, барчамиз бирлашишимиз зарур. Ер юзиде тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз бўлиши керак, деди АҚШ Президенти.

Саммит минбаридан янграган бундай гаплар албатта бизга ҳам маъқул бўлди. Шу нуқтага назардан қараганда, биз бугунги кунда ижтимоий-маънавий ҳаётимизни ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз, бунинг учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этишимиз шарт. Чунки ҳозирги вақтда дунё микёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инқирозлардан ташвишга туш-

маётган бирорта давлат ёки жамият йўқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилиқ, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ноқорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда.

Ана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин, деган савол барчамизни жиддий ўйлантириши зарур.

Айниқса, кейинги пайтда турли мамлакатларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ижрочилари қаторида миллатимизга мансуб кимсалар ҳам борлиги халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда.

Тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарасадан устун қўядиган халқимиз бундай шахсларни, уларнинг қилмишларини кескин қоралайди. Уларни ўзбек деган номга номуносиб деб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда ёшлар, айниқса, чет элда ишлаб, ҳалол меҳнат билан даромад топаман, деб юрган фуқароларимиз терроризм ва экстремизм чангалига тушиб қолмаслиги учун биз барча чораларни кўряпмиз.

Авваламбор, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераймиз. Бизнинг мақсадимиз улар билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, умумий муаммоларни биргаликда ечишдан иборат.

Шу мақсадда, мана, Туркманистон ва Қозоғистон Республикасига қисқа муддатда икки марта таширф билан бордик. Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистонига таширфларимиз ҳам самарали бўлди.

Россия Федерациясига давлат таширфи чоғида меҳнат миграцияси бўйича муҳим келишувга эришдик. Бизнинг бу борадаги позициями аниқ; одам қаерда бўлса ҳам ишлаши, оиласи, бола-чақасини боқishi керак. Лекин у ҳалол меҳнат қилиши, қонуний йўл билан даромад топиши лозим. Бунинг учун давлатимиз барча шароитларни яратиб беришга тайёр.

Аммо яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, эгри қадам босадиган, эл-юртимизга иснод келтирадиган кимсалар — уларни ноқўр десак, тўғри бўлади — бундай шахслар билан бошқача иш олиб борамиз. Буюк шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек, **“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур, Ҳар кимки жафо қилса, жазо топқусидур”**.

Муҳтарам дўстлар! Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди.

Шу муносабат билан мен Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани ва Андижон вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда айтган баъзи фикрларимни бугун сизларнинг олдингида такрорлашни ўринли, деб биламан.

Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан

чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунамайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нури ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка қақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмадан, сохта гоёларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш — бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди.

Алҳамдулиллоҳ, ҳаммамиз мусулмонимиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак эмасми?

Муҳтарам имом-хатибларимиз Худо йўлида ҳолис хизмат қилишни ўз зиммаларига олганлар. Бу ҳам масъулият, ҳам улкан шараф. Шунинг учун соғлом эътиқод йўлини тарғиб қилишни аввало кимдан сўраймиз? Сиз, азизлардан сўраймиз. Шу борада барчамиз кимдан ибрат оламиз? Сиз, азизлардан.

Шунинг учун ҳам сизларнинг катта билимингиз, обрў-эътиборингизни инобатга олиб, мен сизларга, барча дин ахлларига, жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман: юртимизда тинчликни, осойишталикни сақлашда бизга ёрдам беринг.

Агар маҳаллангизда бирорта бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг.

Аввало, улар билан гаплашиб, бу — ота-боболаринг йўли эмас, бу йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб, ҳеч ким кам бўлмаган, деб уларни соғлом эътиқодга ишонтириш керак. Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан ишонтириш керак.

Бундай тарғибот, бундай ташвиқот сизларнинг қўлингиздан албатта келади.

Йўлдан адашган болани дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билишимиз керак. Унга бутун қалбимиз, юрагимиз билан ачинаётганимизни шу бола билсин. Зора, шунда уларнинг ҳам қалб кўзи очилса, тўғри йўлга қадам қўйса...

Бир боланинг йўлдан адашиши — бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфат. Бундан аввало шу боланинг ота-онаси, ака-укалари, яқинлари жабр кўради. Бундай пайтда уларга ёрдам бериш керак. Биз эса, афсуски, улардан ўзимизни олиб қочамиз. Тўйга қақирмаймиз, маросимга қақирмаймиз, у фалончининг акаси ёки ўғли, деб уларнинг нафратини баттар авж олдирамиз, айбсиз одамларни ашаддий душман қиламиз.

Натижада нима бўлади? Кулфат қамайиш ўрнига кўпаяди. Бошқа оилалар ҳаётига ҳам кириб боради. Бугун шу масалани кўндаланг қўядиган вақт келди.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний **“Олижаноб кичилар узрни қабул қилур”**, деб таъкидлаган эканлар. Халқимиз — мард ва олижаноб халқ. Ким чин дилдан уэр сўраса, тавба қилса, албатта гуноҳидан кечеди. Шунинг учун ҳозирги кунда қанча адашганларни кечириб, тўғри йўлга соляпмиз. Бирини ўқийша, бирини ишга, бирини касбга қайтаряпмиз.

Минг афсуски, зарарли диний оқимга кирган болани «Бу — қўшнинг боласи, бошқа қишлоқ ёки туманининг боласи», деб лоқайд бўлаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Кимдир четга чиқиб, экстремистларга қўшилиб юрган бўлса, баъзи раҳбарлар, у Фарғонадан эмас, Андижондан, Қашқадарёдан эмас, Самарқанддан, деб бепарво бўлмоқда. Лекин у Ўзбекистон фарзанди, Ўзбекистон фуқароси-ку!

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистонда давлат давлатчилигини қилади, қонун устувор бўлади. Худога шуқур, давлат раҳбари сифатида буни таъминлашга менинг кучим ҳам, билимим ва салоҳиятим ҳам албатта етади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармасин.

Халқимизда **“Икки кеманинг бошини тутган гарк бўлади”**, деган мақол бор. Қайси раҳбар, қайси имом-хатиб у томонга ҳам, бу томонга ҳам ёқаман, деб иш кўрмоқчи бўлса, қаттиқ адашади. Бизга бундай иккиозламачи, мунофиқ одамлар мутлақо керак эмас.

Мусулмончилик ҳар биримизнинг юрагимизда, виждонимизда бўлиши лозим. Инсон имон-эътиқодли бўлса, юртига содиқ бўлиб хизмат қилса, у ҳақиқий ватанпарвар бўлади.

Агар у эътиқодсиз бўлиб, чаласавод бўлиб, хиёнат қилиб, боя айтганимдек, икки томон билан ҳам “уйин” қиламан, бу давлат кетса, анавилар келиб қолса, улар билан ҳам тил топишаман, деб найранг қиладиган бўлса, билиб қўйинглар, бундай “номер”лар бизга ўтмайди.

Албатта, ашадий террорчи ва экстремистлар ўз йўлидан қайтмайди. Уларнинг миёси, бутун хужайраси заҳарланиб, қўли қонга ботиб бўлган. Уларга гап ўқтириб, инсофга қақиранингни ҳеч қандай фойдаси йўқ.

Шунинг учун ҳам ҳар қайси маҳалла, ҳар бир туман ва вилоят ўз худудидан чиққан, чет элларда террорчи гуруҳлар сафида юрган ашаддий экстремистларни Ўзбекистон фуқаролигидан чиқариш ҳақида Ўзбекистон Президентига тақлиф киритиши зарур.

Бу масалани аввало чуқур ўрганиш керак, айби исботланган тақдирда мен уларни Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилишга тайёрман. Оқни — оқ, қорни — қора, дейдиган вақт келди. Бизга бундай ноқўрлар керак эмас.

Айни вақтда бу масала бўйича жойлардаги ижро органлари, ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам ўз муносабатини ўзгартириши лозим.

Адашганлар ҳақида гапирганда, жамоатчилигимиз, имом-хатибларимиз, керак бўлса, туман ҳокимига бориб, «Бу йигитга иш беринг, уй беринг, у ўзи асли ёмон одам эмас экан, кимнингдир ноинсофлиги, адолатсизлиги тўғрисида шундай тўғри айтишди».

Бугунги йилгида иштирок этаётган ва вилоятларда ўтирган барча раҳбарлар ҳам бу гаплардан албатта хулоса чиқариши керак.

Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини ҳазон қиладиганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламаздан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми?

(Давоми 4-бетда.)

ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

(Давоми.)

Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)

Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қорақўшлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди?

Биз нега гафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди?

Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади.

Юртимизда яшаётган, оиласини, фарзандларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳеч бир инсон, дин арбоблари, жамоатчилик вакиллари бу ҳаёт-мамат масаласидан четда турмаслиги керак.

Мана, ўзингиз кўрасиз, Афғонистон, Сурия, Ироқ, Ливия каби давлатларда нима бўляпти? Яна қандай мисоллар керак ўзи? Бу фожиалар барчамизнинг кўзимизни очиши зарур эмасми?

Куръони каримда айтилган **“Ўз қўлларингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанг”**, деган ҳикматли сўзлардан ҳаммамиз хулоса чиқаришимиз лозим. Бизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз фақат фожиа келтиради. Болаларимиз, оиламиз, бутун юртимиз бошига фалокат келтиради. Айтишлар, ўзини инсон деб биладиган, виждони, имони бор ҳеч бир одам буни истайди-ми? Йўқ, албатта.

“Бола ота-она қўлида бир омонатдир”, дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдирини, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда.

Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар кун, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму хунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Биз, кўпинча болам мактабда, ўқишда ёки чет элда ишлаяпти, деб хотиржам юрибмиз. Лекин бизнинг бундай соддалигимиз, бепарволигимиздан душманлар маккорлик билан фойдаланмоқда. Бизнинг жону жаҳонимиз бўлган фарзандимиз душманлар қўлида қуролга айланиб қолса, бунинг учун аввало ким айбдор? Ўзимиз эмасми?

Шунинг учун мактаб, лицей ва коллежлардаги, олий ўқув юртиларидаги таълим-тарбия, биринчи навбатда, даволат масаласига ниҳоятда жиддий эътибор беришимиз шарт.

Биронга ўқувчи ёки талаба узр-сиз ўқишга келмай қўйса, таълим маскани ҳам, оила ҳам, маҳалла, ҳокимият идоралари ҳам бу тўрида боғлиқ туриши, сергак тортиши, буни фавқулодда бир ҳол деб баҳолаши керак.

Ана шундай назорат тизими самарали ва ўзаро боғлиқликда ишлайдиган бўлса, албатта биз вазиятни қўлга олиб, уни ижобий томонга ўзгартира оламиз.

Шунинг учун ҳам биз туманларда ҳокимлар ҳамда ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимини ташкил этдик.

Кейинги йилларда халқимиз ўрта-

сида кенг тарқалган **“Ўз уйингни ўзинг асра!”** деган даъватга бугун **“Ўз болангни ўзинг асра!”** деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман.

Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чин дилдан тавба қилиб, ота-онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доимо тайёрман.

“Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ички ишлар идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар бу масала бўйича бевосита жавобгар бўлиб, иш самарадорлигини тубдан оширишлари зарур.

Бу борадаги энг муҳим вазифалар ҳақида гапирганда, қуйдагиларни алоҳида таъкидлашни истардим.

Биринчидан, жойларда махсус ҳисобга олинган фуқароларнинг турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, муаммоларини ўрганиш, ушбу тоифа шахслар нега радикаллашиб кетганининг сабабларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш лозим.

Ана шу ишларнинг натижаларини бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида қўллаш учун аниқ тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Агар биз шу йўналишдаги ишларни аввалгидек давом эттирадиган бўлсак, яъни, умумий профилактика ишларини ёшлар радикал диний оқим аъзосига айланганидан сўнг ўтказадиган бўлсак, бундай хавф-хатарга қарши ҳеч қачон самарали кураша олмаймиз.

Қисқача айтганда, узокни қўзлаб, керак бўлса, ҳаётда бир қадам олдинда юриб, бизни доғда қолдирмоқчи бўлганларнинг хийла-найрангларини аввалдан билиб, биринчи зарбани улар эмас, биз беришимиз зарур. Шунда давлатнинг — давлат, жамиятнинг — жамият экани бор кучи ва қудрати билан намоён бўлади.

Иккинчидан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимлари учун малака ошириш ўқувларини ташкил этиш керак. Бу ўқувларда уларни диний экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг иш усули, ғаразли гоя ва мақсадлари билан таништириб бориш зарур.

Адашган шахслар билан ишлайдиган мутахассис, у маҳалла маслаҳатчиси, имом-хатиб ёки профилактика инспектори бўладими, аввало бузгунчи кучлар қандай гояларни илгари сураётганини билиши керак.

Акс ҳолда у ана шу гоялар хато экани, дину диёнатибиз, элу юртимиз манфаатларига зид келишини тушунтириб беролмайди. Бундай ҳолатда қандай қилиб адашган кимсани тўғри йўлга ишонтириш мумкин?

Учинчидан, ҳокимларнинг ёшлар билан ишлаш ҳамда жамоатчилик ва диний ташкилотлар, шунингдек, хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари аввало ўзлари ташаббус қўратиб, турли сохта ваъдалар, ҳавойи гаплар ортдан эргашган фуқароларимизнинг хонадонларига кириб боришлари керак. Улар билан суҳбат

ўтказишлари, иссиқ-совуғи, ташвиш ва муаммоларидан хабардор бўлишлари лозим. Уларнинг кундалик режасида ҳар кун қайси диний оқим аъзоси билан учрашиш, диний-ахлоқий жиҳатдан муаммоси бўлган хонадоннинг масаласини ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар акс этиши шарт.

Агар биз ёлғон гояга алданганларни ўз ҳолига ташлаб қўядиган бўлсак, эртага четда пайт пойлаб турган қабиҳ ёв келиб, уни ўз ортдан етаклаб кетмаслигига ким кафолат беради?

Бугунги кунда диний экстремистик оқим аъзоларининг фарзандларини жамоат ишларига, дунёвий турмуш тарзига, хусусан, фан ва касбхунар тўғрараклари, санъат фестиваллари, спорт мусобақаларига жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмапти. Буни албатта қониқарли деб бўлмайди. Нега деганда, бир-икки марта номига тадбир ўтказиш билан иш битмайди. Бу йўналишда ҳар кун, ҳар соатда, доимий ва тизимли равишда иш олиб бориш керак. Буни маънавий ҳаёт, гоявий-мафкуравий иш деб қўйибди. Бу бизга галла ёки чигит экиш эмас, уруғни тупроққа ташладик, бўлди, энди кутамиз, деб қараб ўтирсак.

Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.

Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтишлар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа қўдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, гоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар — бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиндилар бўладими — уларнинг барчаси айнқаса фаол бўлишлари лозим.

Афсуски, биз бу масалаларда ухлаб ўтирибмиз. Гапнинг очиги шу: ухлаб ўтирибмиз. Дushman esa o'z ishini qilyapti.

Агар бу сўзларимиз кимгадир қаттиқ ботса, нотўғри бўлса, марҳамат, буни ҳам очик айтишлар. Мен эшитишга тайёрман.

Яна бир масала — эл-юртга пешво бўлиб юрадиган муҳтарам имом-хатибларимиз юксак маънавияти, одоб-ахлоқи билан аввало ўзлари бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатмас экан, уларнинг ваъзхонлиги одамларга чивин чакқандек ҳам таъсир қилмайди.

Холисона айтганда, барча имом-хатибларимиз шу талабларга жавоб бера оладими?

Тўртинчидан, ҳар бир маҳаллада маҳалла раиси, маслаҳатчилар, участка инспектори ва имом-хатибнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш фурсати етди.

Имом-хатиблар кенг жамоатчилик орасида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни қўз қорачигидек асраб-авайлаш, бундай барқарор ва осойишта муҳит осмондан тушмаётганини тарғиб этиш, ота-боболаримиз минг йиллардан буюн пок сақлаб келаётган ислом дини ҳар қандай зўравонликка, бузгунчиликка,

беғуноҳ инсонларнинг қонини тўкишга мутлақо қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан ёқазиб беришлари зарур.

Муқаддас Куръони каримда мусулмонларга қарата **фирқаларга бўлинманг**, деган мазмундаги кўрсатмалар бор. Бу турли оқимларга бўлиниб, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга динимиз мутлақо қарши эканига яққол далил эмасми?

Бешинчидан, бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала — бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқароши билан боғлиқ.

Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин.

Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? **Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан**. Лекин тарбия дегани фақат мактаб тарбиясидан иборат эмас. Ҳозир ҳаммамиз бор айбони мактабга ағдаришга ўрганиб қолганмиз.

Маҳалла, оила, кенг жамоатчиликчи? **“Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”** деган мақоланинг ҳақиқий маъносини англайдиган вақт келди. Англаб, шу асосда яшайдиган вақт келди.

Лекин бугунги кунда маҳалладай, айнқаса уюшмаган ёшларнинг тақдирини билан ким қизиқяпти? Болалар кимлар билан ҳамсуҳбат бўлаётгани, ўқишга қачон бориб, қачон келаётганини ким назорат қияпти?

Ёшлар, хусусан, ўсмирлар орасида безорилик, жиноятлар сони ортишига қандай омиллар сабаб бўляпти?

Баъзи ёшларимиз учун меҳроқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани — аччиқ бўлса-да, ҳақиқат.

Бунинг тасдиғини қўйлаб мисолларда кўриш мумкин.

Айрим ёшларнинг қисқа ёки узок вақт чет элга, меҳнат сафарига бориб келиб, ўз эътиқодини хато деб ҳисоблаб, бизга буткул ёт бўлган оқимлар, гоя ва тушунчаларни олиб келаётгани ҳам — бор гап. Айни ҳақиқат бу. Бундай ҳолатлар барчамизни ташвишга солиши шарт.

Ёки турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-ёлпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди.

Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Беғуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда.

Яна бир нохуш ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман: оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солимоқда.

(Давоми 5-бетда.)

ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА ҲАМЖИХАТ БЎЛИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

(Давоми.)

Боши 1-, 2-, 3-, 4-бетларда.)

Сизлар яхши биласизлар, Куръон каримда “**Ўзингизни ноҳақ ўлдирмангиз**” деб буюрилади. Муборак ҳадисларда ўз жонига қасд қилганлар ҳеч қачон жаннатга тушмаслиги ҳам баён қилинади.

Шунга қарамасдан, аёлларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари барҳам топмаётган экан, биз аввало бунинг сабабларини бартараф этиш ҳақида ҳар томонлама ўйлашимиз, жумладан, аҳолимиз, аёлларимиз ўртасида динимизнинг бу кўрсатмаларини тушутиришимиз лозим.

Шу ўринда яна бир нозик масала бўйича алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Баъзан ҳаётда “ЗАГС”, яъни, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан ўтмасдан туриб, пул эвазига яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олиш ҳолатлари ҳам, минг афсуски, учраб турибди.

Бир пайтлар қаётнинг ўзи рад этган кундошлик, қўшхотинлик балоси қандай хунук оқибатларга олиб келиши барчамизни ташвишга солиши керак. Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий “Уткан кунлар” романида кундошлик туфайли бутун бир оила бошига тушган фожиаларни жуда таъсирчан тасвирлаб бергани наҳотки сабоқ бўлмаган бўлса?

Ахир, тегишли давлат идорасида қонуний қайд этилмаган “никоҳ”дан тузилган фарзандларнинг тақдирини, келажаги эртага нима бўлади? Табиийки, давлат қонунлари бўйича улар кўпгина ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолади. Хусусан, оталикни белгилаш, тузилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш, мерос ҳуқуқи, ўсиб-ўлғайганидан кейин боғчага, таълим муассасаларига қабул қилиш масалаларида қанчадан-қанча муаммолар пайдо бўлади.

Энг ёмони, бундай болалар руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етади. Улар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис этолмайди.

Ҳурматли имом-хатиблар, сизлар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатни кўрмасдан туриб, турли бой-вақчаларга шаръий никоҳ ўқиб бераётганингизда мана шундай ишингиз оилаларга қандай бахтсизлик, жамиятга қандай катта муаммо олиб келаётганини лоқал тасаввур қиласизларми ўзи?!

Хозирги кунда ҳаётимизда авж олаётган ана шундай хунук, ярамас ҳолатларга чек қўйиш мақсадида алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бу қонунда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатга эга бўлмаган шахсларга шаръий никоҳ ўқиган ҳар қандай муллага, агар у валломат бўлса, жинойи жазо бериш кўзда тутилди.

Олтинчидан, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш энг мақбул йўлдир. Бу — жаҳон тажрибасида синовдан ўтган йўл.

Давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса.

Афсуски, хозирги кунда жамоатчилик назоратининг таъсири амалда сезилмаяпти. Одамлар орасида ҳалигача боқимандалик кайфияти ҳукм

сурмоқда. Давлат бор-ку, боксин-да, деган кайфиятлардан, афсуски, тўлиқ қутула олмаяпмиз.

Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича Президентнинг давлат маслаҳатчиси раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи кейинги пайтда қарийб барча ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Лекин шунинг ўзи етарли эмас. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ана шу муаммоларни белгиланган ечмасак, четдан келиб ҳеч ким уларни ҳал қилиб бермайди.

Ҳаммангиз биласиз, хозирги пайтда бирор-бир ташкилотга битта қўшимча штат бериш қанчалик қийин. Аммо биз жамиятимиз, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ўйлаб, ички ишлар тизими, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармаларига, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига, Хотин-қизлар кўмитасига қўшимча штатлар бердик, уларнинг иш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширдик.

Энди улардан маънавий-маърифий тadbirlarнинг натижаси бўйича, жумладан, адашганларни тўғри йўлга солиш бўйича амалий ишларни қутутишга ҳаққимиз.

Қадрли юрдошлар! Бугунги учрашувимиздан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала ҳақида фикрлашиб олмоқчиман.

Сизларга яхши аёнки, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида динимиз равнақи йўлида беқисс хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олишга, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар ташкил этсак, нима дейсизлар?

Масалан, Самарқандда — Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридидий маркази қошида калом илми, Фарғонада — Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода — Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда — Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади.

Келгусида чўқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади.

Куни кеча Имом Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасида бўлганимда бу масаланинг нақадар муҳим ва долзарб эканини айниқса чуқур ҳис этдим.

Айни вақтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва имом-хатибларга қулайликлар яратиш учун қуйидаги масалаларни кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тизимидаги масжид ва таълим муассасаларининг нотижорат ташкилот сифатида фаолият юритишини инобатга олиб, улар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўловнинг миқдорини қайта кўриб чиқиш зарур.

Иккинчидан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий мажмуаси қошида фаолият кўрсатаётган имом-хатиблар малакасини ошириш ўқув марказининг фаолиятини кучайтириш, унинг илмий салоҳиятини, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, мамлакатимизда маърифий йўналишдаги нашрларга берилган имтиёзларни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Хидоят” журнали ва “Ислом нури” газетаси ҳамда диний-маърифий нашрлар учун ҳам жорий этиб, уларга ҳам солиқ ва мажбурий ижтимоий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар бериш адолатдан бўлади, деб ўйлайман.

Тўртинчидан, “Ўзбекистон” телеканали орқали бериладиган “Хидоят сари” маърифий дастури ва “Зиё” студияси кўрсатувларини, ўйлайманки, юртимизда кўпчилик катта қизиқиш билан томоша қилади. Ана шу кўрсатувлар ижодкорларининг самарали меҳнатини инобатга олиб, уларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Мўҳтарам юрдошлар! Юртимиз оstonасига бостириб келаётган ёвуз хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларга маърифат билан қарши курашишда, ҳеч шубҳасиз, дину диёнатимиз йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган сиз, мўҳтарам домла-имомларимиз, барча диний ходимларнинг ўрни ва таъсири беқисс.

Сизлар инсон туғилганида чақалоққа азон айтишдан то уни сўнгги йўлга кузатишгача — бир умр у билан бирга бўласизлар. Яъни, ҳаётимиздаги барча яхши-ёмон кунларда доимо биз билан биргасиз.

Биз сизларнинг одамларни меҳроқибатга, ҳалолликка чақириш, ёшларни ахлоқ-одоб руҳида тарбиялаш, оилалар, маҳаллаларда тинчлик, ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган савобли ишларингиз учун барчангиздан миннатдоримиз.

Айни пайтда бугун замон шуни талаб қилаптики, бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтирмасак, унинг самарасини оширмасак, шунча қилган сай-ҳаракатларимиз бекор кетади. Бундан буён ҳар бир имом-хатиб фаолиятига у иш олиб бораётган тумандаги диний вазиятга қараб баҳо берилди.

Шу нуқтага назардан қараганда, Шайхонтоҳур тумани ва Андижон вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда муҳокама қилинган масалалар ва уларнинг ечими бўйича бошланган ишларни мамлакатимиз миқёсида кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Мен ўзим кўп жойларда эшитаман, имом-хатибларимизнинг маъруза ва сўхбатлари, афсуски, кўпича фақат тор диний мавзу билан чекланиб қолади.

Ҳолбуки, одамларимизда шўқроналик, эртанги кунга ишонч туйғусини, соғлом эътиқодни кучайтиришга асос берадиган жуда кўп мисолларни бугунги ҳаётимиздан истаганча келтириш мумкин.

Мисол учун, биргина “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида 300 дан зиёд чора-тадбир белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси учун 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари

миқдорига маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Дастур доирасида 2017 йилда қишлоқ жойларда 15 мингта янги намунадаги арзон, такрор айтаман, арзон уй-жойлар барпо этилади. Ўзингиз яхши тушунасиз, бу дунёда уйга муҳтож бир одамга бошпана қуриб бериш ҳам динимизда катта савоб иш деб баҳоланади.

Шу маънода, бундай олижаноб анъаналар халқимиз ҳаётида ҳеч қачон тўхтаб қолмагани, давлатимиз томонидан бугунги кунда янада кенг миқёсда давом эттирилаётганини айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Юртимизда тadbirkorлик соҳасида яратилаётган қулай шароитлардан фойдаланиб, ёшларни ўз мустақил ишини очишга даъват қилиш — бу ҳам динимиз буюрган яхши амаллардан бири.

“Дилинг — Оллоҳда, қўлинг — меҳнатда бўлсин” деган даъват буюк Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз томонидан айни шу мақсадда айтилган, десак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз.

Мана, бу йил қишлоқ жойларда яна бир ибратли тажрибани бошладик. Яъни, ғалладан бўшайдиган 1 миллион 15 минг гектар ерда такрорий экинлар экиш учун рўхсат беришимиз. Бу ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп. Мақсад — ер бекор турмасин, одамлар даромад олсин.

Албатта, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг барчаси халқимиз учун, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қаратилганини англаш албатта қийин эмас.

Энг муҳими, улар муқаддас динимиз даъват этадиган эзгу ишларга ҳар томонлама уйғун ва ҳамохан эканини сиз, азизлар айниқса чуқур тушунасиз ва қадрлайсиз, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Биринчи Президентимиз мўҳтарам Имом Абдуғаниевич Каримов томонидан мамлакатимиз мустақиллигини барча соҳаларда мустаҳкамлаш, хусусан, муқаддас динимизни тиклаш, унинг поклигини сақлаш, жамиятимизда диний барикенглик, миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини қарор топтириш — ушбу ишлар амалга оширилганини барчамиз яхши билемиз.

Бугун, Оллоҳ розилиги йўлида, халқимизнинг улуғ фарзанди Имом Каримов хотирасига бағишлаб юртимизнинг барча вилоятларида ифторлик маросимлари ташкил этилмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларнинг барчангизни кечки пайт “Наврўз” мажмуасига таклиф этишга ижозат бергайсиз. Тутган рўзаларингиз даргоҳида қабул бўлсин.

Қадрли ва мўҳтарам ватандошлар! Биз ўз йўлимизда қандай хавф-хатарга дуч келмайлик, уни фақат мустаҳкам иродаимиз, дину диёнатимиз билан енга оламиз.

Биз қандай маррага эришмоқчи бўлсак, унга фақат она юртимизга меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойилик билан эришамиз.

Биз эркин ва фаровон келажагимизни қурмоқчи бўлсак, фақат мард ва олижаноб халқимиз билан бирга барпо этамиз.

Ишончим қомил, бу ҳақиқатни бугун барчамиз чин юракдан ҳис қилиб турибмиз. Истардимки, шу буюк туйғу амалий ишларимиз, фаолиятимизда асосий мезон бўлсин.

Шу йўлда Оллоҳ таоло барчамизга доимо мададкор бўлсин, куч-ғайрат ато этсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юкори синфларда болалар шахс бўлиб, жамоа бўлиб шаклланади, деди давлатимиз раҳбари. Аини ўша пайтда уларни ўзлари ўрганган муҳитдан ажратиб қўймаслик керак. Бу ёшларнинг руҳиятига, давомати-га, охир-оқибатда таълим-тарбиясига салбий таъсир қилиши мумкин. Шу боис таълим жараёни узлуксизлигини таъминлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш зарур.

Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзудаги анжуманда сўзлаган нутқда ёш авлод тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

«Бизни ҳамиша уйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ хис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин аини пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз кимиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан», деди, жумладан, Президентимиз.

Бу вазифалар мактаб, оила, маҳалла, бугун жамоатчиликка катта масъулият юклайди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари – мактабгача таълим, мактаб, ўрта

махсус ва олий таълим тизимини такомиллаштириш, янги муассасалар бунёд этиш ва мавжудларини таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ёшлар камолотида ўз самарасини беради.

Шу ерда 1-синф ўқувчиларига бериладиган «Президент совғаси» жамланмаси, мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бадиий адабиётлар, халқ таълими муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш режаси намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари туманининг Ватанпарвар маҳалласидаги «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти билан танишди.

2010 йилда ташкил этилган ушбу ширкат тумандаги намунали хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан бири. Ширкат жойлашган 38-ўйнинг кириш йўлакларига замонавий услубда таъмирланган, уйга туташ худуд ободонлаштирилган. Кўп қаватли уйнинг олд қисми ва йўлакларга видеокузатув ўрнатилган. 60 хонадонга хизмат кўрсатувчи ширкатда коммунал тарифлар аҳоли учун қўлай нархларда ишлаб чиқилган.

Ширкатнинг ўз маблағи ҳисобидан уч йил илгари уйнинг том қисми мукамал таъмирланган, йўлакларга замонавий эшиклар ўрнатилган. Уй олдида қурилган автотураржой шу ерда яшовчи аҳолига бепул хизмат кўрсатади. Турли аттракционлар, ўйин қурилмалари ўрнатилган болалар майдончаси нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам баҳри дилини очади.

Президентимиз хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари ва шу ерда яшовчилар билан ширкат фаолияти, кўп хонадонли

турар жойларда аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида сўзлашди. Ширкат ходимлари ва хонадон соҳибларининг меҳнати билан обод масканга айланган бундай ширкатлар тажрибасини ўрганиш, уни бошқа туманларда ҳам кенг оммалаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ишлайман, яратаман, деган одамга аслида кўп нарсанинг кераги йўқ, деди давлатимиз раҳбари. Оддий кўл меҳнати, кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан ўзи ясаётган худудни шундай саранжом-саришта, файзли масканга айлантираётган жўртдошларимиз кўпайиб бораётгани бизни қувонтиради.

Учтепа туманидаги собиқ «Сигнал» заводининг умумий майдони 5,1 гектар бўлиб, худудда кенг қўлам-ли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Худудда бино ва иншоотлар, коммуникация тармоқлари мавжуд. Бу ерда амалга оширилаётган лойиҳаларни 2018 йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш белгиланган.

Бу ерда иш бошлайдиган кичик корхоналарда пластмасса маҳсулотлари, энергиятежамкор лампалар, трансформатор подстанциялари, тикув ва трикотаж маҳсулотлари, замонавий мебель каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 17 корхонада 400 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тижорат банклари томонидан ишлаб чиқариш корхоналарини молиялаштириш, уларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш бўйича замонавий тизим яратилган.

Таъқиқ иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Учтепа туманида 2017

йилда молиялаштирилаётган лойиҳалар истиқболли экани билан диққатга молиқ. Тиббий хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари, кимё соноати, мебель, фармацевтика, чарм-пойабзал каби йўналишлардаги 70 га яқин лойиҳа бўйича 1000 га яқин иш ўрни яратилди. «Yughas» МЧЖ томонидан газлама ва матоларни жаҳон андозалари даражасида бўйлаб шехи ишга туширилади. 2017 йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилдиган корхонада 60 иш ўрни яратилди.

«Baykal-KMU» МЧЖ ҳам жорий йил якунига қадар ўз фаолиятини бошлайди. Ер унумдорлигини ошириш учун «Байкал ЭМ-1» микробиологик ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхона маҳсулотларини Туркия, Бирлашган Араб Амириклари, Ҳиндистон ва Покистонга экспорт қилиши қўлмоқда. «Avikon tex», «Urologic complex» масъулияти чекланган жамиятларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликлар профилактикаси бўйича тиббий хизматлар кўрсатилади.

«Ипотека-банк» иштирокчида амалга оширилаётган лойиҳада мебель соноати учун декор қоғозлар ишлаб чиқарилади. Хитой ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатиладиган корхона 2018 йилда ишга туширилиши мўлжалланган. Бундан ташқари, банк иштирокида йилига 1 минг 200 тонна балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Йилига 148 тонна қурув ва 400 минг дона фитинг ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Art Dekor Group» МЧЖда 60 кишининг бандлиги таъминланади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унга бозор топиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимизга 2017 йилда Учтепа туманининг sanoat ва хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишидаги инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди. Маълумотларда соҳа йўналишлари, хизматлар тури, яратилдиган иш ўринлари, ажратилдиган маблағлар миқдори, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури ўз аксини топган.

Халқ банки томонидан молиялаштирилаётган «Artkor» МЧЖ тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада 60 иш ўрни яратилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан sanoat соҳасида 28, хизмат кўрсатиш соҳасида 17 лойиҳа молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳаларни янада такомиллаштириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Президентимиз раислигида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида шаҳар, туман фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида йилги иш бўлиб ўтди. Унда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, бандликни таъминлаш, таълим масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топширишлар берилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги bosқичга кўтаришга хизмат қилаётгани кайд этилди.

ЎЗА

Олий таълим муассасаларига қабул бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-га ажратилган қабул квотасига доир янгиликлар ҳам ёшлар эътибордан четда қолмапти.



ЎЗА суратлари.

— Янги ўқув йилида университетимизнинг бакалаврлар тайёрлаш бўйича 36 таълим йўналишига 1395 нафар абитуриентни ўқишга қабул қилиш белгиланган. Улардан 399 нафари давлат гранти ва 996 нафари тўлов-шартнома асосида таҳсил олади.

Магистратура босқичига 68 таълим йўналиши бўйича 391 та ўрин ажратилган бўлиб, шундан 138 таси давлат гранти ва 253 таси тўлов-контракт асосида таҳсил олувчилар учун мўлжалланган, — дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Расул Раҳмонов. — Бу йилдан эътиборан магистратура босқичига лингвистика: француз ва немис тили, фалсафа тарихи, сейсмология ва сейсмометрия, социология, ижтимоий иш, экология каби етти та янги йўналиш бўйича талабаларни қабул қилиш кўзда тутилган.

Университетда абитуриентлар ҳамда ота-оналар учун қўлай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ҳужжатларни онлайн тарзда топшириш технологияси амалиётга татбиқ этилди. Айниқса, Wi-Fi худудининг ташкил қилингани ҳужжат топширувчиларга катта қўлайлик яратди.

Шунингдек, Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида ҳам қабул жараёни қизғин бошланди.

— Абитуриентлар учун зарур барча маълумотлар баннерларда батафсил келтирилди, — дейди универси-

тет қабул комиссияси масъул котиби Анвар Алимов. — Жумладан, қабул квотаси, ўқишга қабул қилиш бўйича низом, ҳарбий қисм тавсияномасини қўлга киритган абитуриентлар учун имтиёзлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, бу йил ҳужжат қабул қилинадиган 39 йўналиш бўйича касбга йўналтирувчи баннерлар иланган. Масалан, абитуриент ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш йўналишида ўқимоқчи бўлса, ўзи эгалламоқчи бўлган соҳа ва унинг истиқболли ҳақида мазкур баннерлардан тўлиқ маълумот олиши мумкин. Жараён давомида катта экранларда факультетлар тўғрисида роликлар намойиш этилаётгани боис абитуриентлар танловда ортиқча қийналмайди.

Бу йил университетга қўшимча 125 та квота берилгани ўтган йили ўқишга киролмаган абитуриентлар учун қувонарли хушxabар бўлди.

Қабул жараёни шу йилнинг 15 июлига қадар давом этади.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

2017-yil 17-iyun, № 48 (9009)

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, аҳолининг барча қатламлари manfaatларини ҳимоялаш борасидаги эзгу интилишлари барча юртдошларимизни Ватан равнақи йўлида масъулиятни теран англаш, ижтимоий бурчни чуқур ҳис этишга чорламоқда.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бугун барчамиздан давр талаби ва руҳини теран англашни талаб этмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси олдида турган вазифалар ҳақида «Юрт тараққиёти йўли-

кўмаклашиш, касаначиликни ривожлантириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг халқимизга мададкор бўлиш, одамларнинг оғирини енгил қилишга оид ташаббуслари Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, унда кўзда тутилган вазифаларда аққол

Юрт тараққиёти йўлидаги масъулият

да бирлашайлик» мавзусидаги форумда атрофлича фикр юритилди.

Иштирокчилар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонидаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гуллар қўйди.

Симпозиумлар саройида ўтказилган форумга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, «Тараққиёт стратегияси» маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотларнинг мутасаддилари, касаба уюшмалари органлари вакиллари таклиф этилди.

Форум иштирокчилари Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик назоратини олиб боришнинг замонавий шакллари ривожлантириш, бу борада ижтимоий шерикликни кучайтириш орқали касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Қ.Рафиқов, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.Абдуҳақимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясининг улкан аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегиясида жамият ҳаётининг турли жабхалари каби ижтимоий соҳа тараққиётининг барча муҳим жиҳатлари камраб олинган. Унда аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллигини таъминлаш каби масалалар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан меҳнат-кашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қулай, хавфсиз иш шaroitларини яратиш, аҳолининг барча қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ёш оилалар учун имтиёзли кредитлар ажратиш, колледж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга

намоён бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон аграсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари Т.Бозоров. — Мамлакатимиз тараққиётининг янги ривожланиш босқичида ишга янги муносабатда бўлиш, янги таваққуф ва ёндашув талаб этилаётгани зиммамиздаги масъулиятни теран англашга ундамоқда.

— Бугунги давр талаби ташаббускорликка, ўз ишимизни пухта, сидқидилдан, талабчанлик билан бажаришга давлат этмоқда, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Райхон Носирова. — Фарзандларимизнинг меҳнатга муносабатини тўғри шакллантириш, меҳнат қонунчилиги оид миллий қонунчилигимиз билан яқиндан таништириш уларда истиқлол берган неъматларни асраб-авайлаш, қадрига етиш, яратилаётган имкониятларга муносиблик, шукроналик туйғуларини мустаҳкамлаш шубҳасиз.

— Фаолиятимизда ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратаймиз, — дейди Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров. — Вилоятнинг олис туманларига бориб, ёшларнинг орзу-интилишлари, уларни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўргандик. Бунинг натижасида кўплаб ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредитлар олиш, айримларнинг ота-онасини соғломлаштириш учун сиҳаттоғларга йўлланиш ажратиш, йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича бир қатор амалий кўмак кўрсатилди.

Форумда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар белгиланиши билан бирга уларни амалга ошириш механизмлари ҳам муҳокама этилди.

Тадбирда Касаба уюшмалари федерациясининг 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда Кўмаклашиш дастури қабул қилинди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ҳаракатлар стратегияси тарғиботига оид семинар

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури олий таълим муассасаларида қандай тарғиб қилиниши лозим?

Тошкент шаҳридаги Сингапур Меҳнатини ривожлантириш институтида бўлиб ўтган ўқув-семинарда бу масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, директор ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган мамлакатимизнинг кейинги беш йилликдаги тараққиёт стратегияси барча соҳаларни эркинлаштириш, модернизация қилиш, амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада юксалтириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал ҳисобланади. Унда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасига катта масъулият юклайди.

Шундай экан, мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига, айниқса, ёшларга етказиш, унда кўзда тутилган устувор вазифалар ижроси тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлиги ва фаол иштирокини таъминлаш бугуннинг муҳим вазифаларидан бирidir.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида-

ги Дин ишлари бўйича қўмита, Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ каби ташкилотлар мутахассислари Ҳаракатлар стратегиясининг илмий-назарий асослари, устувор йўналишлари мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирди.

— Институтимиз жамоаси талаба-ёшларга Ҳаракатлар стратегиясини маъруза, очиқ мулоқот, давра суҳбати, кўргазмали воситалар, мунозара каби таълим усулида кенг тарғиб этмоқда, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори У.Абдуллаев. — Семинарда билдирилган фикрлар, маърузачиларнинг таклифлари асосида олий таълим муассасаларида ташкил этилган «Ҳаракатлар стратегияси тарғиботчилари хонаси»ни жиҳозлаш ва уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича ҳам услубий тавсияларга эга бўлди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига алоҳида эътибор берилди. Мазкур ҳужжат доирасида олий таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди.

М.ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбири

Тарбияли бола — элга манзур

Аждодларимиз азалдан ёш авлод таълим-тарбиясига, хулқ-атворида катта эътибор қаратган. Жумладан, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк болаларимиз қолдирган улкан маънавий меросда фарзанд таълим-тарбиясига оид теран фикр-мулоҳазалар талайгина.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино қарашларида бо-



Ta'kid

Фалакиётшунос олим Мирзо Улуғбек талабаларда мустақил мутолаа, ижодий таваққуф, қобилият ва кўникмаларни ривожлантиришга асосий эътибор қаратган. Шунингдек, у устоз ва мураббийларни чуқур билим ва етуқ маърифат соҳибига бўлиб, аҳли илмга ўрнак кўрсатишга ундайди. Шоир ва давлат арбоби ҳазрат Алишер Навоийнинг таъкидлашича, бола тарбиясини жуда кичик ёшдан бошлаш лозим. Тарбия орқали инсонда фазилатларни шакллантириш ҳамда қусурларни йўқотиш мумкин.

Болаликда бола сифатида шаклланишида оиланинг ўрни катталиги алоҳида қайд этилади. Алломанинг фикрича, оилабоши бола тарбияси бўйича зарур амалий ва назарий билимга эга бўлиши керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандни хушалоқли этиб камолга етказиш отанининг энг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Оилабоши ва мураббийнинг болага нисбатан меҳр-шафқатли, марҳаматли, хушмуома-ла бўлиши етуқ фазилатлар шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Аксинча, турли таққир ва ҳақоратлар болада салбий хусусиятларнинг юзага келишига туртки беради.

Бобокалонимиз Амир Темур даврида, айниқса, таълим-тарбияга эътибор юксак аҳамият касб этгани яхши маълум. Соҳибқирон фарзандлари ва набиралари қатори оддий аҳоли болаларининг ҳам хат-саводли, илм-маърифатли бўлишини рағбатлантирган. Толиби илмлар падишохнинг бой кутубхонасида муқаддам ўтган мутафаккирлар ва замонасининг атоқли алломалари асарларини мутолаа қилган.

Болаларимиздан қолган таълим-тарбияга эътибор аънанаси бугун ҳам барҳаёт давом этмоқда. Ёш авлоднинг чуқур билим олиб, касб-хунар эгаллаши учун етарли шарт-шaroitлар мавжуд. Ҳамкасбларимиз дарс жараёнида замонавий педагогик технологиялар билан бирга алломаларимиз фикрларидан ҳам унумли фойдаланишга, таълим-тарбия самарадорлигига ҳисса қўйишлари шубҳасиз.

Малика ХУШМУРОДОВА,
Тўхташ ПАРДАЕВА,
СамДҶТИ қошидаги
2-академик лицей ўқитувчилари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚарориУмумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг
давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида

Вазирлар
Маҳкамасининг
2017 йил 6 апрел-
даги «Умумий ўрта
ва ўрта махсус,
касб-хунар
таълимнинг дав-
лат таълим стан-
дартларини тас-
диқлаш тўғриси-
да»ги 187-сонли
қарори билан
умумтаълим фан-
лари бўйича ком-
петенциявий ёнда-
шувга асосланган
давлат таълим
стандартлари
тасдиқланди.

Компетенциявий
ёндашувга асосланган
давлат таълим стан-
дартлари ва унга муво-
фиқ ишлаб чиқилган
умумтаълим фанлари
бўйича ўқув дастурла-
ридан амалдаги мурак-
каб ва долзарб бўлма-
ган маззулар чиқариб
ташланди. Хусусан,
жами 1304 соат маззу
оптималлаштирилиб,
илм-фан ва техника та-
раққибнинг инсон
ҳаёти ва фаолиятига
боғланганлиги, муҳан-
дслик-технологик
йўналишларнинг мамла-
катимиз иқтисодий-
даги аҳамияти ошиб бо-
раётганини инобатга
олган ҳолда янги маз-
зулар киритилди.

Халқ таълими вазир-
лигининг 2017 йил 3
июндаги «Умумий ўрта
таълимнинг давлат таъ-
лим стандартлари та-
лаблари асосида тако-
миллаштирилган ўқув
дастурларини тасдиқ-
лаш ва амалиётга жорий
этиш тўғрисида»ги 190-
сонли буйруғи қабул
қилинди.

Умумий ўрта таълимнинг
давлат таълим стандартла-
ри ва ўқув дастурлари
2017-2018 ўқув йилидан
бошлаб куйидаги тартиб-
да босқичма-босқич ама-
лиётга жорий этиб бори-
лади:

1-босқич: 2017-2018
ўқув йилидан 1-, 4-, 6-, 7-
синфларда;

2-босқич: 2018-2019
ўқув йилидан 2-, 3-, 8-, 9-
синфларда;

3-босқич: 2019-2020
ўқув йилидан 5-синфлар-
да.

Ушбу муҳим қарор халқ
таълими тизимида фаоли-
ят юритаётган ҳар бир пе-
дагог ходим учун зарур
ҳужжат ҳисобланади. Шунинг
инобатга олган ҳолда, га-
зетамизнинг шу сонидан
бошлаб Вазирлар Маҳқа-
масининг «Умумий ўрта ва
ўрта махсус, касб-хунар
таълимнинг давлат таъ-
лим стандартларини тас-
диқлаш тўғрисида»ги 187-
сонли қарори ва қарор
(1-, 2-, 3-, 4-, 5-) иловаля-
ри чоп этилиб борилади.

«Таълим тўғрисида»ги ва «Қадрлар
тайёрлаш миллий дастури тўғриси-
да»ги Ўзбекистон Республикаси
қонунларига мувофиқ, умумтаълим
фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги
ва изчиллигини таъминлаш, замона-
вий методологиясини яратиш, умумий
ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таъ-
лими давлат таълим стандартларини
компетенциявий ёндашув асосида та-
комиллаштириш, ўқув-методик маж-
муаларнинг янги авлодини ишлаб чи-
қиш ва амалиётга жорий этишни таш-
кил этиш мақсадида Вазирлар Маҳ-
камаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

Умумий ўрта таълимнинг давлат
таълим стандарти 1-иловага мувофиқ;
Ўрта махсус, касб-хунар таълими-
нинг давлат таълим стандарти 2-ило-
вага мувофиқ;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-
хунар таълимнинг умумтаълим фан-
лари бўйича малака талаблари 3-ило-
вага мувофиқ;

Академик лицей ва касб-хунар колле-
жи дипломларининг давлат наму-
налари 4-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-
хунар таълими муассасалари учун
умумтаълим фанларидан ўқув-мето-
дик мажмуаларнинг янги авлодини
ишлаб чиқишга куйиладиган умумий
талаблар 5-иловага мувофиқ тасдиқ-
лансин.

2. Белгилаб куйилсинки:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-
хунар таълимнинг давлат таълим
стандартлари 2017-2018 ўқув йили-
дан бошлаб босқичма-босқич амали-
ётга жорий этилади;

умумтаълим мактабларининг
бошланғич синфлари учун филология
фанлари ва аниқ фанлар бўйича маъ-
дафтарларини нашр этиш ҳамда ет-
казиб бериш Ўзбекистон Республи-
каси Президентининг «Ўзбекистон
Республикаси Молия вазирлиги ҳузу-
ридаги Республика мақсадли китоб
жамғармасини ташкил этиш чора-тад-

бирлари тўғрисида» 2006 йил 1 июн-
даги ПҚ-363-сон қарорида белгилан-
ган дарсликларни нашр этиш ҳамда
етказиб беришни молиялаштириш
тартибига асосан, мультимедиа
диск иловаси билан таъминлаш эса
— ўқитувчиларни ўқув-методик
қўлланмалар билан таъминлаш тар-
тиби асосида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ
таълими вазирлиги ҳамда Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
Ўрта махсус, касб-хунар таълими мар-
кази:

икки ой муддатда умумий ўрта ва
ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг
давлат таълим стандартлари талаб-
лари асосида ўқув дастурларини ян-
гидан ишлаб чиқиб, белгиланган тар-
тибда тасдиқлаш ҳамда умумий
ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таъ-
лими муассасаларига етказсинлар;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги билан биргаликда уч ой
муддатда яратилаётган ўқув-методик
мажмуаларнинг ўқувчиларни манткиқ
фикрлашга ундайдиган, расмларга
бой, замонавий матбаа талабларига
жавоб берадиган шаклларда чоп эти-
лишини таъминласинлар;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-
хунар таълимнинг давлат таълим
стандартлари ва ўқув дастурларини
амалиётга самарали жорий этиш юза-
сидан тегишли мутахассислар учун
2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мақ-
садли ўқувлар ташкил этсинлар ҳамда
педагог ходимларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш кур-
слари дастурлари ва ўқув модулла-
рининг қайта кўриб чиқилишини таъ-
минласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Ўрта махсус, касб-хунар таълими мар-
кази Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ма-
даният вазирлиги, Жисмоний тарбия
ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекис-
тон Бадий академияси ҳамда ман-
фаатдор вазирликлари ва идоралар

билан биргаликда 2017-2018 ўқув йи-
лига қадар академик лицейларнинг
таълим йўналишлари ва касб-хунар
коллежларининг тайёрлов йўналиш-
лари бўйича малака талаблари, ўқув
режалари ва дастурларини ишлаб
чиқсин ва белгиланган тартибда тас-
диқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги Халқ таълими вазирлиги,
Олий ва ўрта махсус таълим вазир-
лигининг Ўрта махсус, касб-хунар таъ-
лими маркази тақдим этган харажат-
лари сметалари асосида умумий ўрта
ва ўрта махсус, касб-хунар таълими-
нинг давлат таълим стандартлари,
академик лицейларнинг таълим йўна-
лишлари ва касб-хунар коллежлари-
нинг тайёрлов йўналишлари бўйича
малака талабларини, ўқув режалари
ва дастурларини, академик лицей ва
касб-хунар коллежи дипломлари
бланкаларини чоп этиш учун сарфла-
надиган маблағларни белгиланган
тартибда ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳуку-
матининг 6-иловага мувофиқ айрим
қарорларига ўзгартиришлар киритил-
син.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳуку-
матининг 7-иловага мувофиқ айрим
қарорлари 2020 йил 1 сентябрдан
бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-
лансин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзла-
ри қабул қилган норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу
қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилиши-
ни назорат қилиш Вазирлар Маҳқа-
масининг Таълим ва илм-фан маса-
лалари ахборот-таҳлил департамен-
тига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 6 апрель,
187-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги
187-сон қарорига 1-ИЛОВА

Умумий ўрта таълимнинг
ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

1-БОБ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1. Умумий ўрта таълим-
нинг давлат таълим стан-
дарти (кейинги ўринларда
давлат таълим стандарти
деб аталади) давлат таълим
стандартининг мақсад ва ва-
зифаларини, асосий прин-
ципларини, таркибий қис-
мларини, давлат таълим
стандартларини жорий этиш
ҳамда давлат таълим стан-
дартлари талабларига риоя
этилишини назорат қилиш
тартибини белгилайди.

2. Давлат таълим стан-
дартини ишлаб чиқиш куйи-
даги ҳужжатларга асослана-
ди:

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси;

«Таълим тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси
Қонуни;

«Қадрлар тайёрлаш мил-

лий дастури тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси
Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
«Узлуксиз таълим тизими
учун давлат таълим стан-
дартларини ишлаб чиқиш
ва амалда жорий этиш тўғри-
сида» 1998 йил 5 январдаги
5-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
«Узлуксиз таълим тизими-
нинг чет тиллар бўйича дав-
лат таълим стандартини тас-
диқлаш тўғрисида» 2013 йил
8 майдаги 124-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
«Умумий ўрта таълим тўғри-
сидаги низомни тасдиқлаш
тўғрисида»ги 2017 йил 15
мартдаги 140-сон қарори;

Ўз ДСт 1.0-98. «Ўзбекис-
тон Республикаси стандар-

лаштириш давлат тизими.
Асосий қоидалар»;

Ўз ДСт 1.1-92. «Ўзбекис-
тон Республикаси стандар-
тлаштириш давлат тизими.
Ўзбекистон Республикаси
стандартларини ишлаб чи-
қиш, мувофиқлаштириш,
тасдиқлаш ва рўйхатдан
ўтказиш тартиблари»;

Ўз ДСт 1.5-93. «Стандар-
тлаштиришга доир норматив
ҳужжатларни кўриб чиқиш,
текшириш, ўзгартириш ки-
ритиш ва бекор қилиш тар-
тиби»;

Ўз ДСт 1157:2008. Ҳуж-
жатларни унификациялашти-
риш тизими. Ташкилий-фар-
мойиш ҳужжатлар тизими.
Ҳужжатларни расмийлашти-
ришга бўлган талаблар.

Ўз ДСт 1.8:2009. Асосий
қоидалар. Тавсиялар.

3. Давлат таълим стан-
дартини бажариш Ўзбекис-

тон Республикаси ҳудудида
фаолият кўрсатаётган бар-
ча умумий ўрта таълим му-
ассасалари учун мажбурийди-
р.

2-БОБ. Умумий ўрта
таълимнинг давлат
таълим стандартининг
мақсад ва вазифалари

4. Давлат таълим стан-
дартининг мақсади — умумий
ўрта таълим тизимини мам-
лакатда амалга оширилаётган
ижтимоий-иқтисодий исло-
хотлар, ривожланган хорижий
мамлакатларнинг илғор таж-
рибалари ҳамда илм-фан ва
замонавий ахборот-коммуни-
кация технологияларига асос-
ланган ҳолда ташкил этиш,
маънавий баркамол ва интел-
лектуал ривожланган шахсни
тарбиялашдан иборат.

(Давоми 9-бетда.)

Умумий ўрта таълимнинг ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

(Давоми. Боши 8-бетда.)

5. Давлат таълим стандартининг вазифалари куйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига кўйиладиган талабларни белгилаш;

миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

ўқув-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари ва битирувчиларининг малакасига кўйиладиган талабларни белгилаш;

кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

таълим ва унинг пировард натижалари, ўқувчиларнинг малака талабларини эгаллашганлик даражасини тизимли баҳолаш тартибини, шунингдек, таълим-тарбия фаолияти сифатини назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат таълим стандартлари талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга кўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

3-боб. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг асосий принциплари

6. Давлат таълим стандарти куйидаги асосий принципларга асосланади:

ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлиги;

умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги; давлат таълим стандартининг таълим соҳасидаги давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;

умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуksизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;

умумий ўрта таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудларда бирлиги ва яхлитлиги;

умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усулларини танлашда инновация технологияларига асосланганлиги;

ўқувчиларда фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун таянч ва фанларга оид умумий компетенцияларни ривожлантиришнинг таъминланганлиги; ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

4-боб. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг таркибий қисмлари

7. Давлат таълим стандарти куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси;

умумий ўрта таълимнинг ўқув дастури;

умумий ўрта таълимнинг малака талаблари;

баҳолаш тизими.

8. Умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси (кейинги ўринларда — таянч ўқув режа деб аталади) умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган ўқув фанлари номи, ўқув юкласининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимоли белгиланган ҳужжат ҳисобланади.

9. Таянч ўқув режа умумий ўрта таълим муассасаларининг дарс жадвалини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

10. Таянч ўқув режа умумтаълим фанлари бўйича белгиланган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатлари (давлат ихтиёридаги ва мактаб ихтиёридаги соатлар)нинг минимал ҳажмини белгилайди.

ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

12. Умумий ўрта таълимнинг ўқув дастури (кейинги ўринларда — ўқув дастури деб аталади) таянч ўқув режага мувофиқ ўқув фанларининг синфлар ва мавзулар бўйича ҳажми, мазмуни, ўрганиш кетма-кетлиги ва шакллантириладиган компетенциялари белгиланган ҳужжат ҳисобланади.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

13. Умумий ўрта таълимнинг малака талаблари умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимуми ва якуний мақсадларига, ўқув юкламалари ҳажмига ҳамда таълим сифатига кўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, у куйидагилардан ташкил топади:

билим — ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш; кўникма — ўрганилган би-

расининг фаолияти самардорлигини аниқлайдиган мезонлар мажмуидан иборат.

5-боб. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини жорий этиш тартиби

15. Ўзбекистон Республикасида давлат таълим стандартини жорий этиш, мувофиқлаштириш, унга методик раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

16. Давлат таълим стандартини жорий этиш, шу жумладан умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмуни ва сифатига кўйиладиган минимал талабларни, умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига кўйиладиган малака талабларини тасдиқлаш педагогик тажриба-синов ишлари муваффақиятли якунланиб, уларга эксперт баҳо берилгач амалга оширилади.

17. Давлат таълим стандар-

дарт талабларига риоя қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг мақсади — давлат таълим стандарти талабларини бажариш даражасини аниқлаш, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш асосида таълим сифатини таъминлашдан иборат.

19. Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан куйидаги кўринишларда амалга оширилади:

давлат таълим стандарти талаблари асосида барча умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар эгаллаш лозим бўлган малака талабларига баҳо бериш;

таянч ўқув режа ва ўқув дастурларининг бажарилишини таҳлил қилиш;

умумий ўрта таълим муассасасида давлат таълим стандартлари талаблари бажарилиши ва таълим сифатига таъсир этувчи омилларни, фойдаланилган педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг натижавийлигини таҳлил қилиш.

20. Умумий ўрта таълим сифатини назорат қилишнинг турлари куйидагилардан иборат:

ички назорат — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида умумий ўрта таълим муассасасининг мониторинг гуруҳи томонидан амалга оширилади;

ташқи назорат — таълим соҳасидаги ваколатли давлат органлари, ҳудудий халқ таълими бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади;

давлат-жамоатчилик назорати — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳудудий халқ таълими бошқаруви органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилади;

миллий ва халқаро даражада баҳолаш — Ҳукуматнинг тегишли қарори ҳамда халқаро шартномалар асосида халқ таълими бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилади.

21. Умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчиларининг билими сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурлидаги Давлат тест маркази томонидан тасдиқланади.

22. Давлат таълим стандарти талабларининг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаси раҳбариятига юкланади.

Умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув РЕЖАСИ

Т/р	Ўқув фанлари	Синфлар									Хафталик умумий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	Давлат ихтиёридаги соатлар	22	24	26	26	30,5	32,5	33,5	34	36	264,5
1.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67
2.	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16
3.	Чет тили	2	2	2	2	3	3	3	3	3	23
4.	Тарих						2	2	3	3	14
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	2
6.	Иқтисодий билим асослари								1	1	2
7.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45
8.	Информатика ва ахборот технологиялари					0,5	0,5	0,5	1	2	4,5
9.	Физика						2	2	2	2	8
10.	Кимё							2	2	2	6
11.	Биология					1	2	2	2	2	9
12.	Табиёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13
	Одобнома	1	1	1	1						4
13.	Ватан туйғуси					1	1				2
	Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари								1	1	3
14.	Муסיқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7
15.	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7
16.	Чизмачилик								1	1	2
17.	Технология	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12
18.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	0,5						0,5	0,5	1	2,5
	Умумий соатлар	22,5	24	26	26	30,5	32,5	34	34,5	37	267
	Амалий меҳнат машғулот (кун ҳисобида)					6	6	10	16		

11. Педагог кадрлар салоҳияти ҳамда моддий-техника базаси етарли бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг руҳсати билан умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик кенгашларига дарс жадвалини тузишда таянч ўқув режадаги умумий соатлар ҳажмидан ошмаган ҳолда, маълум бир фанларни чуқурлаштириб ўқитиш мақсадида 15 % га ча-

лимларни таниш вазиятларда қўллаш олиш;

малака — ўрганилган билим ва шакланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллаш олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

компетенция — мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллаш олиш қобилияти.

14. Баҳолаш тизими — давлат таълим стандарти бўйича умумий ўрта таълимнинг малака талабларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасини ҳамда умумий ўрта таълим муасса-

тига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

6-боб. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти талабларига риоя этилишини назорат қилиш

18. Давлат таълим стан-

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарорининг 2-илловаси (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти) газетамизнинг навбатдаги сонидан берилди.

Қизилсувда қувнаётган болалар

Бўстонлик туманидаги Қизилсув қишлоғида сўлим ва соя-салқин оромгоҳлар бор. Кўм-кўк арчазор, пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган "Меҳрибонлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўғил-қизларни яна ўз бағрига олади.

Оромгоҳнинг тантанали очилиш маросимида Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, ички ишлар органлари ходимлари, меҳрибонлик уйлари раҳбарлари, тарбиячи ва тарбияланувчилар иштирок этди. Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев сўзга чиқиб, ўқувчиларга таълимни мароқли ўтказиши, янги ўқув мавсумигача мазмунли ва фойдали ҳордиқ чиқаришини тилади.

— Оромгоҳ пурвиқор тоғлар, ястаниб ётган далау даштлар, "Чорвоқ" сув омборидан таралаётган салқин ҳавоси билан ўзига оҳанрабодек тортади. Унинг манзарасидан баҳраманд бўлган бола бепоеён юртимизни, унинг табиий бойликларини севиб, кўз қорачигидек асрайди, — дейди оромгоҳ бош тарбиячиси Салима Шарипова. — Ётоқхона, ошхона, маънавият ва маърифат зали, тиббиёт бўлими, спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзаси, айвончалар, амфитеатр, турли тўғараклар болажонлар ихтиёрида. Ўқувчиларнинг тафаккур оламини бойитиш мақсадида Республика болалар кутубхонаси ҳамда илмий педагогик кутубхона фондидан китоб, газета ва журналлар оромгоҳга келтирилди.

...Тўлқинлари мавжланиб оқаётган соҳилда биллур тожли, ялтироқ либосли ва кўлида мухташам асо тутган денгиз шоҳи Нептун пайдо бўлди. Шоҳ ўз салтанатида бўлаётган байрамга барчани тақлиф қилар экан, қизини денгиз қароқчилари ўғирлаб кетганини сезиб қолди. Шоҳнинг буйруғига кўра, малика топиб келтирилгач, қароқчилар асир олинди. Қароқчиларнинг бай-

Тарбияланувчиларнинг кун тартиби тўғараклар, спорт машғулотлари ва кўнгилоchar тadbirlar билан мазмунли ўтиши таъминланди.

Оромгоҳда болаларнинг қизиқиши бўйича бадий, техник-ижодиёт, ўлкашунослик ва экология, фан тўғараклари фаолият кўрсатади. Тўғараклар самарали ва мазмунли фаолият юритиши учун "Баркамол авлод" марказларидан малакали мутахассислар ташрифи уюштирилади. Севимли шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари билан ижодий учрашувлар, тарбияланувчилар орасида турли интеллектуал ўйин, кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкил

этиш режалаштирилган.

— 2013 йилдан буён таълимни мазкур оромгоҳда ўтказаман, — дейди Тошкент шаҳридаги 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Малика Ашурова. — Барчаси кўнгилодагидек, тўғараклар биз учун, кўм-кўк бассейнда сузиб, офтобда тобланамиз. "Юмшоқ ўйинчоқлар" тўғараги аъзосиман. "Квиллинг" тўғарагида тенгдошларимнинг қоғоз парчаларидан ясаган турли нарсаларни мени ҳам қизиқтириб қўйгани боис, аъзо бўлдим.

Оромгоҳда 10 июндан 25 августгача, 4 мавсум Самарқанд, Бухоро, Навоий, Андижон, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг дам олиши режалаштирилган. Биринчи мавсумга 260 нафар бола қабул қилинди.

Х.МҲМИНОВ



Денгиз шоҳининг байрами

рамда қатнашгиси бор. Шоҳ изн бергач, денгиз салтанатида "сув байрами" очик дея эълон қилинди.

Чилонзор туманидаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернат сув ҳавзасининг очилишига бағишлаб ўтказилган байрам тadbirlari юқоридаги саҳна кўриниши билан бошланди. Денгиз юлдузчаларининг сувдаги рақсини томоша қилаётган болалар гўёки мўъжизакор эртақлар оламига тушиб қолгандек эди. 280-мактабнинг "Кўёшча" кундузги оромгоҳи тарбияланувчилари томонидан ижро этилган саҳна кўриниши нафақат болалар, ҳаттоки меҳмонларни ҳам ҳайратга солди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўми-

таси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида "Соғлом танда — соғлом ақл" шиори остида ўтказилган байрам тadbirlarida 200-мактабдаги кундузги оромгоҳ тарбияланувчилари ҳам қатнашди.

Болалар навбат билан сув ҳавзасига тушиб, мириқиб чўмилишди. 25x12,5 метр ҳажмли ҳавзада олти нафар қўқарувчи болаларга сувда ҳаракатланиш қойдала-

рини ўргатмоқда. Махсус кийим ва сузиш мосламасида сувга тушган болаларнинг шодон қийқириғи қувноқ ёзини яна бир кун мароқли ўтаётганидан дарак берарди.

— Кундузги оромгоҳимизда 165 нафар ўқувчи дам олмақда, — дейди 280-мактабнинг ўқитувчиси Дилдора Тўхтаева. — 5 та гуруҳда эрталаб 9:00 дан 13:00 гача турли машғулотлар ўтказилмоқда. Ҳар бир кун иккинчисига ўхшамаган тарзда ўтиши керак. Ҳар томонлама чиниққан бола янги ўқув йилини хушқайфият билан қарши олади.

Райхона ХҲЖАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Тил ўрганишида таълим технологияларини ривожлантириш омиллари" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

— Анжуманда 300 нафардан зиёд педагог ўзларининг методик тавсиялари, инновацион ўқитиш усуллари, мулоҳазалари ёритилган материаллари билан қатнашди, — дейди институтнинг "Тил ва адабиёт таълими" кафедраси

ди. Тошкент вилояти ХТХҚТМОИ "Тил ва адабиёт таълими" кафедраси катта ўқитувчиси Муҳаббат Юсупова "Инглиз тилида таълимий методлардан фойдаланиш" мавзусидаги тақдиротида ёш авлодга таълим бериш жараёнида

Тил ўрганишида таълим технологияларининг ўрни

мудир, профессор Шаҳзода Абдуллаева. — Асосий мақсадимиз таълим жараёнида инновацион, интегратив усуллари қўллаш сифатини ошириш, илмий-амалий тақлифларни ўрганиб, амалиётга татбиқ этишдан иборат. Ўқитувчилар тил тарихи, лингвистика, психология, оғзаки нутқ ўстиришга доир интерфасил таълим методлари бўйича тажриба алмашишди.

Конференция қатнашчилари ялпи йиғилишдан сўнг шўъбаларга бўлинган ҳолда малака ошириш ҳамда муҳокама дарсларида ўзларининг илғор тажрибаларини тақдим этиш-

электрон-ахборот воситаларидан фойдаланиш борасидаги тавсияларини ҳавола этди. Масалан, "Тингла ва тушун", "Музёрар" ҳамда "Чархпалак" методларига компьютер технологиялари ёрдамида янгича ёндашгани диққатга сазовор бўлди.

Анжуманда вилоятлар ва пойтахтимиздаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўзбек, рус ва хорижий тиллар бўйича мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, амалиётчи-педагоглар, талабалар иштирок этди.

Шоира БОЙМУРОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Маҳоратли маҳалла маслаҳатчилари аниқланди

Ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли ўртасида миллий урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб қилиш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, тadbirlarни ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш ва худудларини ободонлаштириш ташаббускори ва ташкилотчиси Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг бу тизимдаги ўрни алоҳида.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўтказилган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида 11 та туманда голибликни қўлга киритган маслаҳатчилар уч шарт бўйича ўзаро беллашилди.

Маслаҳатчилар 1-шартда ўз иш тажрибаси тақдироти ни намоиш этган бўлса, 2-шартда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда янги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган саволларга жавоб топишди. 3-шарт нотқиқлик ҳамда муаммолари вазиятини ҳал этишга қандай ёндашиш масаласига бағишланди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг яқдил қарорига кўра, барча шартларда фаоллик кўрсатиб, юқори натижани қўлга киритган, 30 йиллик педагогик тажрибага эга Муҳаббат Жамолиддинова биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Эътироф зиммамга янада масъулият юклайди, — дейди Сергели туманидаги "Дўстлик" МФЙнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муҳаббат Жамолиддинова. — Ҳамкасбларим билан фикр-мулоҳаза алмашдим, иш услубимизни такомиллаштирдик. Яқуний босқич менга бундан-да кенгроқ имкониятлар яратади.

Голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг дипломи ва эсдалик совгалари топширилди.

Ҳасан МҲМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 17-iyun, № 48 (9009)

Китобнинг фойдали томони ҳақида кўп ва ҳўп гапирилган. Аммо савол тўғрисида: ҳозир ким, қанақа китоб ўқимокда? Ҳўш, дарсликдан ташқари, бор-йўғи 30-40 дона бадиий адабиёт фондига эга кутубхонадаги китоб ўн нафар ўқувчига бир донадан ҳам тўғри келмаса, китобхонлик ҳақида оғиз очиш мумкинми?

Оддий ва мураккаб иншо...

Адабиёт тўғрагини бошқариб келаётганим учун бу ҳол мени жуда ташвишлантиради. Иншо ёзиш бўйича танлов эълон қилдик. Тўғрака 40 дан ортқ мактаб ўқувчилари келишди. Хар бир ўқувчига ўз она тили ва адабиёт фани ўқитувчисидан ёрдам сўрашини тайинладик. Шарт шундай: битта мавзу бўйича ҳам оддий, ҳам мураккаб режада иншо ёзиб келиш. Ҳамма бажариб келди. Иштирокчилардан бирининг ёзгани умуман талабга жавоб бермасди. Қизикиб, сабабини сўрадим. Ўқитувчиси унга «Оддий



Taassuf

иншо ўзбекча сўзлардан ташкил топади, мураккаб иншога эса хорижий сўзлар кўп қўшилади» деб ўргатган экан. Шунанқаси ҳам бўлар экан-да...

Болани китоб ўқишга ундаганимиз яхши, бу мавзуда иншо ёзишга ўргатганимиз ундан ҳам яхши. Аммо педагогларимизнинг ўзи бу борада болаларга намуна кўрсатмас экан, сўзимизнинг таъсири кам бўлади.

Бекназар ҚОРАЖОНОВ
Жиззах вилояти

Бозор. Унга каттаю кичик, ўқитувчию шифокор, эрқаю аёл — ҳамма боради. Айрим ҳалол ва ҳаромнинг фарқида бормайдиган сотувчилар дастидан харидорнинг азият чекиши мени ўйлантиради. Улар ўз эҳтиёжи учун баъзан билиб туриб фирморлик қилса-да, озгина фойдани деб охиратини унутадилар.

Тарози тўғрими, терминал ишлайдими?

Sizga gapim bor...

Телефон сотиладиган дўконларни оралаб, мобил алоқа воситасидан бирини 130 минг сўмга савдолашдим. Тадбиркорлар «Терминал йўқ, фақат нақд пулга савдо қиламиз» дейишди. Афсус, дея чиқиб кетаётганимда, ортимдан қақришди: «Пластикка 180 минг сўм бўлади. Мана, олинг». Иккилибни ортага қарадим. «Терминалга бўлар экану, аммо нега нархи баланд?» деган фикр кўнглимдан ўтди.

Ишдан қайтишда икки кило олма харид қилдим. Вазни энгилроқ туолгани учун сотувчидан «Тарозингиз тўғрими?», деб сўрадим. У «Ҳа, тўғри» дея ишонч билан бошини силқиди. Уч-тўрт қадам нарига ўтиб, хурмо олдим. Негадир баъзи харидорлар тарозида олган нарсаларини қайта тортириб қўришяпти. Олгани тарозида ўлчатирисам, тўрт юз эллик грамм «уриб» қолинган. Эътироз билдириб борсам, олма сотувчи беш-олти дона мевани ачқик билан сумкамга солди. Мен эса ортиги керакмас, дея тарозига қўйишини талаб қилдим.

Савдо нукталарида «Терминалнингиз ишлайдими?», «Тарозингиз тўғрими?» дея сўраш харидорнинг оддий саволига айланди. Бундан оғринадиган тижоратчилар ҳам бор. Доимо зийрак ва ҳозиржавоб савдо ходимларининг бозори чаққон. Ажабланирлиси, нақд пул бўлса, нарх «келтирилади», терминалда эса айтилган нархдан бир сўм ҳам туширмайдди.

Сотувга қўйилган айрим молларнинг бозордангидан икки-уч баравар қиммат сотиляётганини кўриб, харид қилишга иккиланамиз. Харидори бор, деб устига ҳаддан зиёд нарх қўйиш инсофданми? Инсоф сари барака. Фойдамиз кўп бўлмасин, аммо тоғганимиз ҳалол, баракали бўлсин!

Абдувоҳид ҲРОЗОВ

Тўйлардаги энг «янги одат»

Ҳар бир ишда бўлгани каби, тўйларни ҳам суннатга мувофиқ ўтказиш бурчимиздир. Аммо никоҳ тўйлари, айниқса, тунги базмларнинг гарбда урф бўлган бемаъни одатлар билан «бойитилаётгани»...

Келин-куёвнинг базм якунида рақсга тушиши ўзбекчиликка тўғри келмайди, ҳаёли, иболи қиз учун бу уят, деб қоралашимиз «йўлда» қолиб кетди. Энди ундан ҳам баттар одат пайдо бўлибди — келин-куёв ҳамманинг олдида ўпишсин экан. Четда ишлаб келган йигитлар тўйида шу одатни жорий қилишяпти. Телефонга ёзиб олинган манзара зудлик билан интернетда тарқатилмоқда. Одам гапиршига ҳам уяладиган вазият. Лекин келин-куёв шу ишни ҳамманинг олдида, ота-она, қариндош-уруғ, меҳмону мез-

бонларнинг қарсақлари остида қилаётганига нима дейсиз?

Менталитетимизга зид бу ишлар ўз тўйхоналаримизда уряаппти. Келин-куёвнинг ота-онаси нахотки уларнинг чегарадан чиқишига рухсат берса? Ҳамиятли, ор-номуси бор эркак қариндошлар томшабин бўлиб туришса, кечирриш мумкинми? Бундан кенг жамоатчилик ташвишга тушиши, хавотирланиши керак эмасми?

«Тафаккур қиладиган кишилар учун

«Заифа»лар зиёфати

Кечки тамадди учун шинамгина кафегга кирдик. Атрофда хўрандалар. Таомга буюртма бериб, кута бошладим. Рўпарамиздаги столга бир тўда аёл келиб жойлашди. Анчайин ёшлари улуг, балки неварга кўрганлари ҳам бор. Ўзларини тутишини бир кўрсангиз эди. Баралла овозда шангиллашар, бўлар-бўлмасга ўзларини орқага ташлаб «ҳо-ҳо»лашар, сонларига шапатилаб қийқиришарди. Қўлларида эса қадаҳ! Сўхбатдошим «эйтибор берманг» дегандек маъноли қараб қўйди. Кошки эди бунга бефарқ бўлсам.

Бир пайт «Бог аро қўйсам қадам...» дея хиргойи бошланиб, аёллар рақсга туша бошлади. Мاستона қилиқлар авжга чиқди.

Уларнинг бу хатти-ҳаракатини тарбиясизлик, ахлоқсизликдан бошқа нарсага йўйиб бўладими? Буюртма қилинган таомни ҳам унутдим. Кайфиятим тушиб,

бўзимга нимадир тиқилди. «Дабдабали» даврани тарк этдим.

Уйга ҳорғин қайтдим. Ишдан эмас, ўйдан, хаёлдан чарчадим. Ярим тун. Уйкум қочди. Уша «муниса»лар қачон, қай аҳволда уйига, фарзандлари бағрига қайтди экан? Уларни оила аъзолари, хусусан, эри қандай кутиб олди? Ичкиликбозликнинг ўша аёллар соғлигига етказадиган зараридан кўра, руҳиятига таъсирини ўйласам, кўнглим алланечук бўлади.

Ижтимоий ҳаётда ҳар томонлама фаол, ёшларга намуна кўрсатаётган хотин-қизлар кўпчиликини ташкил қилади, албатта.

Ҳукуматимиз оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, авлодлар давомийлигини таъминлаш йўлида қанчадан-қанча имконият яратиб қўйган бир пайтда бу «заифа»ларнинг кайфу сафода вақт ўтказаятгани тўқликка шўхлик, ношўкурлик эмасмикан?

Шаҳноза Йўлдошева

Ширин сўз жон озиғи...

Шарқнинг буюк олим ва мутафаккирлари ижтимоий қарашлари, авлодларга қолдирган педагогик мероси жамият ривожини учун муҳим омилдир. Минг йиллар давомида қадриятга айлиниб келаятган шахсга ҳурмат ва эътиром кўрсатиш маънавий-маърифий кўмак бериш асосида миллат шаклланади.



Fikr

Азалдан болага «сиз»лаб мурожаат қила-

миз. Бу катталарнинг бола шахсига самимий муносабатда бўлишдан далолат беради. Буюк муҳаддид Имом Бухорийнинг «Ҳадис» китобида «Болага раҳмдиллик қилмоқ, уни ўлиб қучоқламоқлик» тўғрисида батафсил фикр юритилган. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиясининг ўзаги кишилар ўртасидаги юқори қадриятларга, тенг ҳуқуқликка асосланган муносабат ҳисобланади. Бу қадриятлар тўғрисида ҳам бобокалонимизнинг «Ширин сўз одам ҳақида», «Сўймоқ ва лаянлатмоқ таъқилланганлиги ҳақида»ги китобларида кенг тушунча берилган. Уларда келтирилишича, шахсни ҳақоратлаш уни ҳалок қилишга тенглаштирилади. Демак, педагог ўқувчига муомала жараёнида жуда эҳтиёткор бўлиши, уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қўйиладигарга эътибор қаратиши зарур.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган таълимида қуйидаги асосий тамойиллар — инсонпарварлик — болага ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, ёрдамлашиш, ижодий қобилиятига ишонч билан қараш, зўрлик ишлатишдан тўла воз кечиш. Ҳамкорлик — педагог ва ўқувчилар муносабатида демократия, тенглик, шериклик қондаларига амал қилиш. Эркин тарбиялаш — шахсга унинг ҳаёт фаолиятини кенг ёки тор доирада танлаб олиши учун эркинлик ва мустақиллик бериш, натижаларни ташқи таъсирдан эмас, ички ҳиссиётлардан келтириб чиқариш. Ўқувчининг ўзида яширинган янги қобилият ва иқтидорини юзага чиқариш — шахс камолотига йўл очиш. Охиргиси шахсга йўналтирилган технологияларнинг коммуникатив асоси — педагогик жараёнда ўқувчига инсоний-шахсий ёндашувини юзага чиқариш муҳим саналади.

Хулоса шуки, шахсни ривожлантиришда унинг ҳулқига таъсир этувчи омиллари, шахсий хусусиятини чўқур ўрганмоқ лозим. Ана шундангина унинг ижтимоий ҳулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади.

Шаҳноза АКРАМОВА,
Олий ҳарбий божжона институтини ўқитувчиси,
Сарвар КАРИМОВ,
шу институтининг
1-босқич тинловчиси

“MA'RIFAT” ga maktublar

Toshkent shahri
Ma'rifatchilar ko'chasi 32-uy.
“Ma'rifat” gazetasi tahririyatiga
E-mail: info@marifat.uz

«Даданг» ҳам, «аянг» ҳам бўлавераман!

Баъзан ўқувчилар янглишиб муаллимга «дада» ёки «ая» дея мурожаат қилади. Демак, ўқитувчи унга ота-онадек азиз бўлиб қолган. Лекин муҳими бу эмас, ўша вазиятда бола отаси ёки онасига нима демоқчи, гап шунда. Ўқувчи ўз фикрини айтиш-айтмаслиги устозга боғлиқ.

Мен бу вазиятда бошқа ўқувчиларнинг кулгисига «нуқта» қўйганча, ўша қиз ёки боланинг фикрини тинглашга уринаман. Бола яна бегуборлигига боради-да, фикрини қисман баён этгандек бўлади. Аммо ҳар доим ҳам ўйлаганини очик айтмавермайди. Шу билан яна дарсни давом эттиришга мажбурман.

Аслида, бола отаси ёки онасига нима демоқчи эди? Унинг бегубор қалбида қандай дилроз бор? Ота-оналар фарзанди қалбидаги орзу-умид ёки муаммолардан хабардорми? Унинг мурожаатини эшитиб кўришдими? Саволига батафсил жавоб бериб, кўнглини тўлдирди олдимми?

Йўқ. Афсуски, биз фарзандимизни ҳамisha ҳам тинглайвермаймиз. Уларнинг фикрини ҳар доим ҳам тарози палласига қўйиб кўришга ҳафсаламиз йўқ. Натижа маълум: фарзандимиз фикрини эшитишга вақтни қизганишимиз, уларнинг саволига ҳамisha аниқ-тиник жавоб бера олмайётганимиз туфайли улар кўнадан дўст, сирдош ахтарди.

Келинг, ҳар куни жигарбандимизни эшитайлик... У бизга нима демоқчи, келгусида нималар қилмоқчи, тўғри йўл кўрсатишга бурчимиз, ахир.

Лазиз НОРҚУЛОВ,
Баҳмал туманидаги
78-ИДУМ ўқитувчиси



Ta'kid

бунда оят-аломатлар бордир» дейилганидек, биз мана шу муаммони ҳам чуқур ўйлаб кўришимиз, бунинг сабаби ва ечими ҳақида фикрлашимиз керак. Бу одатларга барҳам бермасак, бора-бора урчиб, иллатга айланади. Оила жамиятнинг мустаҳкам ўзаги, жамиятни ислоҳ қилиш учун оила соғлом ва барқарор бўлиши керак. Юқоридаги каби андишасизлик билан бошланган оиладан қандай жамият ташкил топади?

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисида"ги қарорига биноан, жаҳон фани ва илгор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган режалари ҳамда дастурларига мувофиқ, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институти бўйича 2017/2018 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади.

Танлов коди (шифр)	БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
	ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ	400	120	87	33	280	185	95
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:	150	65	45	20	85	55	30
5120109	Филология ва тилларни ўқитиш: араб, форс, турк, уйғур, дарий, пушту тиллари	60	30	20	10	30	20	10
5120110	Филология ва тилларни ўқитиш: япон, корейс, хинд, урду, индонез, малай, вьетнам тиллари	74	30	20	10	44	24	20
5120111	Филология ва тилларни ўқитиш: шарқ мумтоз тиллари	16	5	5		11	11	
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: хитой тили	20	10	6	4	10	5	5
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	20	5	3	2	15	8	7
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	60	20	17	3	40	33	7
5120700	Жаҳон сиёсати (минтақалар бўйича)	50	5	3	2	45	27	18
5120800	Шарқ фалсафаси ва маданияти	20	10	10		10	10	
5231000	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	80	5	3	2	75	47	28
5231002	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари)	22	1	1		21	11	10
5231005	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари)	35	2	1	1	33	24	9
5231006	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Хитой Халқ Республикаси)	23	2	1	1	21	12	9

Танлов коди (шифр)	МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
	ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ	119	18	15	3	101	82	19
5A120101	Адабиётшунослик (шарқ тиллари)	8	2	1	1	6	4	2
5A120102	Лингвистика (тиллар бўйича)	24	4	3	1	20	16	4
5A120103	Мумтоз филология (турлари бўйича)	9	2	2		7	7	
5A120104	Магншунослик ва адабий манбашунослик	6	2	2		4	4	
5A120201	Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича)	6	1	1		5	5	
5A120302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)	13	2	1	1	11	7	4
5A120304	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича)	9	2	2		7	7	
5A120701	Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат	10	1	1		9	6	3
5A120801	Шарқ фалсафаси ва маданияти	9	2	2		7	7	
5A231001	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича):	25				25	19	6
	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (МДХ мамлакатлари)	4					4	
	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари)	7					4	3
	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари)	9					6	3
	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Хитой Халқ Республикаси)	5					5	

Абитуриентлардан хужжатлар бакалаврият йўналишига шу йилнинг 15 июнидан 15 июлигача, магистратурага 16 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.

Телефонлар: (0-371) 233-34-28, 233-34-24

Тошкент давлат шарқшунослик институти қабул ҳайъати

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

2017-2018 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул эълон қилади.

Шифр	БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
	ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ	850	265	196	69	585	424	161
5111000	Касб таълими: енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси	40	10	7	3	30	18	12
5150900	Дизайн (турлари бўйича)	40	10	7	3	30	18	12
5231900	Корпоратив бошқарув	20	5	3	2	15	9	6
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	25	5	3	2	20	12	8
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	15	10	5	35	25	10
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	125	40	32	8	85	68	17
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	90	40	30	10	50	35	15
5320800	Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси	80	30	25	5	50	35	15
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	240	70	50	20	170	130	40
5321200	Табiiй товларни дастлабки ишлаш технологияси (хомашё турлари бўйича)	100	30	22	8	70	53	17
5610600	Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича)	40	10	7	3	30	21	9

№	Шифр	МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
				Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
					ўзбек	рус		ўзбек	рус
		ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ	118	58	46	12	60	45	15
1	5A150901	Дизайн (турлари бўйича)	4	2	1	1	2	1	1
2	5A311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)	8	4	3	1	4	3	1
3	5A320302	Машинашунослик	8	4	3	1	4	3	1
4	5A320310	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари	8	4	3	1	4	3	1
5	5A320315	Пахта саноати машиналари ва жиҳозлари	10	5	4	1	5	4	1
6	5A320402	Органик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	8	4	3	1	4	3	1
7	5A320405	Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси (турлари бўйича)	8	4	3	1	4	3	1
8	5A320802	Матбаа технологияси ва дизайни	6	2	2	2	4	3	1
9	5A320901	Тўқимачилик хомашёларини қайта ишлаш технологияси (хомашё тури бўйича)	10	5	4	1	5	4	1
10	5A320902	Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш	10	5	4	1	5	4	1
11	5A320903	Чарм ва мўйна буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш	10	5	4	1	5	4	1
12	5A320904	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	10	5	4	1	5	4	1
13	5A320905	Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги, экспертизаси ва сифат назорати (қўлланмиш соҳалари бўйича)	4	2	2	2	2	1	1
14	5A320906	Тўқимачилик саноати буюмларини бадий лойиҳалаш (диссинакторлар)	4	2	2	2	2	1	1
15	5A321201	Пахтаги дастлабки ишлаш ва уруғ тайёрлаш технологияси	10	5	4	1	5	4	1

Абитуриентлардан ҳужжатлар шу йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳижаҳон кўчаси, 5-уй. Телефон: (0-371) 253-06-06, 253-08-08.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қабул ҳайъати

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги табиий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби синов асосида ихтисослаштирилган 2-синфларга қабул эълон қилади.

Ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 31 июлигача қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Муродова кўчаси, 1-уй. Телефон: (0-371) 289-07-53. Эл-почта манзили: tfidum@xtv.uz

АНТИҚА МАХЛУҚНИНГ ЖАСАДИ ТОПИЛДИ

Америкалик овчи Дэвид Брадт бундан қарийб 70 миллион йил аввал яшаган калта бўйинли ғаройиб жонивор — элас-мозавр жасадини тасодифан топиб олди. Бу ҳақда «Journal of Vertebrate Paleontology» нашрида хабар берилди.

Муаллифлардан бири, Аляска университети илмий ходими Патрик Дракенмиллернинг ёзишича, бу турдаги ҳайвон рептилия (судралиб юрувчи) ҳисобланиб, унинг 76 та умуртқаси бўлган. Топилмадаги 40 та кетма-кет жойлашган суяк эса мутахассисларни янада лол қолдирди.

Шунингдек, Дракенмиллер антиқа денгиз яшчларини (асосан Африка ва Жанубий Осиёда бўладиган калтакесакка ўхшаган йирик сутэмизувчи ҳайвон) 2010 йилнинг ноябрь ойида АҚШдаги Монтана штати шимолида бир гуруҳ овчилар қуш овлаётган пайтда топилганини айтиб ўтади. Олимлар ушбу топилмаларни ўрганиб, аввалига АҚШнинг Шимоли-ғарбида аниқланган трицератопс(уч шоҳли динозавр)нинг суяқларига ўхшатишган.

Бироқ уч кун давомида жасад суяги қайта ўрганилиб, у элас-мозаврнинг янги авлодига тегишли эканига ишонч ҳосил қилинди. Элас-мозаврнинг бўйи атиги 2 метрни ташкил этган, холос. Ушбу судралиб юрувчига маҳаллий ҳиндулар қабиласи овчилари шарафига «Nakonanectes bradti» номи берилди.



ЁШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТ

Португалиялик олимларнинг аниқлашича, инсонларда тезкор ва тасодифан қарор қабул қилиш қобилияти 25 ёшгача кучаяди. Мазкур тадқиқотта доир мақола «PLOS Computational Biology» журналича босилди.

Тадқиқотчилар маълум вақт мобайнида 4 ёшдан 91 ёшгача бўлган 3,4 минг кўнгилнинг ўз-ўзидан, беихтиёр қабул қиладиган қарорларини кузатиб боришди. Жараёнда ҳар бир қатнашчи ногаҳоний ҳукм чиқариш қобилияти даражасини белгилаб берувчи онлайн тест топшириқларини бажарди.

Маълум бўлишича, жинси, тили, билим даражаси билан бирга кишиларнинг ўйлаб ўтирмай, ниҳоятда тезкор муайян тўхтамага келишига ёши ҳам таъсир этаркан. Тадқиқот муаллифларининг сўзларига кўра, 25 ёшдаги йигит-қизларда беихтиёр қарор қабул қилиш ҳолати кўп учраётган.

Тадқиқотларда маълум бўлишича, бундай шоқалоқлик, ҳовлиқмалик хислати инсон ёши улғайгани сари камайиб бораверади. Аммо бутунлай йўқолиб кетмайди. Бундай вазиятларда мутахассислар ижодий фаолият билан кўпроқ шуғулланиш, яхши нарсалар ҳақида ўйлаш лозимлигини таъкидлайди.

Дилноза ЖҲРАЕВА, Шерзод УЛАШОВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

2017/2018 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича ўқишга қабул эълон қилади

Шифр	БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
	Тошкент шаҳри	450	235	204	31	215	118	97
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		220	196	24			
5111003	Касб таълими: тиббий педагогик иш	50	15	8	7	35	17	18
5510100	Даволаш иши	75	40	33	7	35	18	17
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		40	33	7			
5510108	Даволаш иши (Жиззах вилояти)		5	4	1			
5510109	Даволаш иши (Сирдарё вилояти)		15	13	2			
5510110	Даволаш иши (Тошкент вилояти)		20	16	4			
5510200	Педиатрия иши	275	150	136	14	125	70	55
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		150	136	14			
5510206	Педиатрия иши (Сурхондарё вилояти)		30	28	2			
5510207	Педиатрия иши (Қашқадарё вилояти)		30	28	2			
5510208	Педиатрия иши (Жиззах вилояти)		15	13	2			
5510209	Педиатрия иши (Сирдарё вилояти)		15	13	2			
5510210	Педиатрия иши (Тошкент вилояти)		10	8	2			
5510212	Педиатрия иши (Наманган вилояти)		20	18	2			
5510213	Педиатрия иши (Фарғона вилояти)		30	28	2			
5510700	Олий ҳамширалик иши	50	30	27	3	20	13	7
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		30	27	3			
5510706	Олий ҳамширалик иши (Сурхондарё вилояти)		15	14	1			
5510710	Олий ҳамширалик иши (Тошкент вилояти)		15	13	2			

Абитуриентлардан ҳужжатлар шу йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Телефонлар: (0-371) 262-33-17, 262-33-73.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қабул ҳайъати

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

2017/2018 ўқув йили учун бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентларни ўқишга тақлиф этади

Шифр	Бакалаврият таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов контракт асосида		
			Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
39	Тошкент фармацевтика институти	400	50	44	6	350	284	66
5111039	Касб таълими: Фармация	25	5	5	-	20	20	-
5310901	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (фармацевтика соҳаси бўйича)	25	5	5	-	20	20	-
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	30	5	5	-	25	25	-
5510500	Фармация (турлари бўйича)	160	17	14	3	143	110	33
5510600	Саноат фармацияси (турлари бўйича)	160	18	15	3	142	109	33

АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА ҚУЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ:

Бакалаврият таълим йўналиши бўйича:

- таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;
- ўрта ва ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- № 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

- паспорт нусхаси;
- 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 6 та фотосурат.

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадilar.

Ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга ўқишга киришда имтиёзлар бериладиган тавсиянома 15 июлгача топширилади. Тавсияномалар берилган кундан бошлаб 3 йил давомида ҳақиқий ҳисобланади.

Абитуриент томонидан паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 15 июндан 15 июлгача.

Магистратура мутахассисликлари бўйича:

- мутахассислик, ўқув тили кўрсатилган ҳолдаги ариза;
- олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ва иловаси;
- № 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

- паспортнинг нусхаси;
- 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 6 та фотосурат.

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Давлат стипендиялари ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадilar.

Абитуриент томонидан паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 1 июлдан 30 июлгача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45. Тошкент фармацевтика институти. Тел.: (+99871) 256-42-89, 256-37-38.

Шифр	Магистратура мутахассисликлари	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
36	Тошкент фармацевтика институти	35	8	6	2	27	23	4
5A510501	Фармацевтик кимё ва фармакогнозия	12	3	2	1	9	8	1
5A510502	Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш	8	2	2	-	6	4	2
5A510602	Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси	4	1	1	-	3	3	-
5A510603	Дориларнинг саноат технологияси	11	2	1	1	9	8	1

Қайноқ фасл ғалаба билан бошланди

Ёзги таътилнинг эсда қоларли лаҳзаларга бой бўлишида спорт мусобақаларининг ўрни беқиёс. Айниқса, энг мураккаб вазиятларда ўзаро бирдамлик, аҳиллик туфайли ғалаба қозongan жамоа вакиллари — ўғил-қизлар узоқ вақт аъло кайфиятда, кўтаринки руҳда юради. Ҳаётга бўлган ҳаваси, завқи янада ортади.



Ана шундай спорт мусобақаларидан бирига Сирдарё вилояти мезонлик қилди. У ерда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича «Камолот» кубоги турнирининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган мазкур ўзига хос спорт фестивали юксак даражада ташкил этилишига Ички ишлар, Маданият, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси ва бошқа ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Муҳими, ёшларимиз орасида ажойиб анъаналарга айланган бораётган мазкур мусобақа юзлаб қалбларга ҳаяжон ва сурур бағишлади. Мактабнинг яна бир

синфини тамомлаб, ёзги таътилга чиққан ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар орасида спорт, хусусан, «миллионлар ўйини»нинг оммавийлигини ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилаётган бу мусобақа муросасиз лаҳзаларга бой бўлди.

Саралаш баҳсларида муваффақиятли қатнашиб, финал босқичи йўланмасини қўлга киритган 6 жамоа: Навоий, Хоразм, Жиззах, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўқувчиларидан иборат терма жамоалар яшил майдонда тўп тепди.

Яқунда ғолиб жамоа аниқланди. Чилонзор туманидаги 162-мактаб жамоаси «Камолот» кубоги'ни қўлга киритди. Финалда уларга имкониятни бой берган Шароф Рашидов туманидаги 29-мактаб ўқувчилари эса қумуш медаль билан тақ-

«Yoz — 2017»


дирланди. Нихоят, бронза медалига Касби туманидаги 34-мактаб ёшлари эга бўлди.

— Мусобақа жуда ҳаяжонли ва шиддатли баҳсларга бой бўлди, — деди ғолиб жамоа мураббийи, Чилонзор туманидаги 162-мактабнинг жисмоний тарбия фаши ўқитувчиси Қодир Исмоилов. — Финал босқичига етиб келган жамоалар орасида кучсиз бўлмади, деган гапнинг қанчалик рост эканига майдонда яна бир карра гувоҳ бўлдик. Албатта, энг оғир ўйин ҳал қилувчи баҳс бўлди. Тайёргарлик саъй-ҳаракатларимиз ўзини оқлади — жаззхлик ёшларни 3:1 ҳисобида енгиб, чемпион бўлдик. Шогирдларимнинг барчаси ўзини кўрсатди. Айниқса, жамоа сардори Музаффар Олимжонов шу кунни хет-трик қайд этганидан қувондим. Муҳаммадқодир Аҳадов, Асилбек Мирзаёров, Дониёр Эргашев, Асрбек Муродов каби шогирдларимдан ҳам умидим катта. Уқув йилини «Камолот» кубоги» билан якунлаганимиз келаси йилнинг янада кўтаринки кайфиятда бошланишини билдиради.

Турнирнинг тақдирлаш маросими санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури, қизиқarli виторина ўйинларига улашиб кетди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда «Камолот» ЁИХ ўзаро ҳамкорлигида спортсевар ўқувчи ҳамда талабалар ўртасида веломарафон, бадминтон, стол тенниси, бадий гимнастика ва шахмат бўйича ҳам мунтазам мусобақалар ташкил этиб келинмоқда. Бу эса ёшларимизнинг ғайратига ғайрат қўшиб, ғалабага бўлган иштиёқини оширмоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



КИМНИНГ ИМКОНИАТИ ЮҚОРИ?

Бугун футбол бўйича Россиянинг бир қатор шаҳарларида бўлиб ўтадиган Конфедерациялар кубоги учун мусобақа бошланади, дея хабар берди «Eurosport» нашри.



Унда экспертлар Европанинг амалдаги чемпиони Португалия терма жамоаси имкониятларини юқори баҳоламоқда. Бу мазкур мамлакатнинг кейинги йилларда спорт соҳасида сезиларли тараққиётга эришгани билан боғлиқ. Башоратчилар ушбу турнир ўтказилаётган 1997 йилдан буён мусобақа ғолиблиги учун асосий даъвогар хусусида «ўз номзоди»ни илгари суради.

Португаллар «А» гуруҳида Россия, Мексика ва Янги Зеландия терма жамоаларига қарши тўп тепади.

«ҚАРИЯ»ЛАР БАҲСИДА

Швейцариялик теннисчи Рожер Федерер Штутгарт шаҳрида бошланган АТР туркумидаги халқаро турнирнинг 2-турида германиялик Томми Хаасга енгилигани ҳақида «Лента»да қайд этилди.

39 ёшли Томми 1 соату 56 дақиқага чўзилган матчида 36 ёшли кучли рақибини 2:6, 7:6 (10:8), 6:4 ҳисобларида мағлуб этди. Бу Р.Федерер учун жорий мавсумдаги иккинчи мағлубиятдир. У яқинда Дубайда ўтказилган турнирда ҳам 2-босқичда мусобақани тарк этганди.

Т.Хаас энди чорак финалда ҳамюрти Миша Зверевга қарши кортга чиқади.

ФЕТТЕЛГАЧА ОЗ ҚОЛДИ

«Формула-1» бўйича Канадада ўтказилган навбатдаги Гран-при мусобақасида «Mercedes» жамоаси етакчиси, британиялик пойгачи Льюис Хэмилтон зафар қўчгани ҳақида «Лента» хабар берди.

Л.Хэмилтон пуол-позишндан стартга чиққан ва энг яхши натижани қайд этган. Ундан кейин марража жамоадoshi Валттери Боттас етиб келди ва ниҳоят учинчи ўрин «Red Bull» жамоаси вакили Даниэль Риккардога насиб қилди.

Умумий ҳисобда Себастьян Феттель (Ferrari) 141 очко билан етакчилик қилляпти. Хэмилтон ва (129) ва Боттас (93) кейинги ўринда боряпти.

Галдаги Гран-при Озарбойжонда 23—25 июнь кунлари ўтказилади.

КАРЛСЕН МАҒЛУБ БЎЛДИ

Норвегиянинг Стангер шаҳрида шахмат бўйича давом этаётган супертурнирнинг 7-турида россиялик гроссмейстер Владимир Крамник норвегиялик «шахмат қироли» Магнус Карлсенни енгани тўғрисида «ТАСС»да ёзилди.

Яна бир рус вакили Сергей Карякин эса арманистонлик Левон Ароянга мағлуб бўлди. Шунингдек, голландиялик Аниш Гирри франциялик Максис Вашье-Лагранни енди. Ҳинд вакили В.Ананд эса АҚШлик Хикару Накамура билан, америкалик Уэсли Со ва Фабиано Каруана билан дуранг натижа қайд этди.

Турнир жадвалида Ароян 5 очко билан етакчилик қилмоқда.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Ёш ўт ўчирувчилар мусобақаси

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш ўт ўчирувчи» мусобақасининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Олмалик шаҳридаги «Металлург» стадионида ташкил этилган мусобақада Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари орасидан энг тезкор ва энг чаққон жамоалар сарланди.

Маълуки, «Ёш ўт ўчирувчи — 2017» мусобақасида қўтилмаган вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш ва чаққонлик билан жабрдийдаларни ёнгин хавфидан қутқариш, жараёнда ўз хавфсизлигини сақлашига баҳо берилди. Бу шарафли касбга ёшларимизда ҳавас уйғотиш каби эзгу мақсад ҳам мазкур фестивалнинг бир қисми ҳисобланади. Ўз навбатида, ўсмир йигитларнинг мусобақага юксак даражада тайёргарлик кўргани амалий спорт турларидан бири — ёнгин ўчиришга бефарқ эмаслигини аниглади.

Баҳслар уч шарт, яъни 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, «Ёнгин ўчирувчилар эстафетаси», ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 3-қаватида кўта-

рилиш бўйича ташкил этилди. Илк беллашувда Олмалик шаҳар терма жамоаси, «Ёнгин ўчирувчилар эстафетаси»да Чирчиқ шаҳар терма жамоаси, учинчи шарт бўйича ҳам яна бир бор Олмалик шаҳар терма жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Тошкент вилояти ёш ёнгин ўчирувчилар терма жамоаси фақат республикамиз миқёсидаги баҳсларда эмас, балки халқаро мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Жумладан, 2014, 2015 ва 2016 йилларда ёнгин ўчириш амалий спорт тури бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида Тошкент вилояти терма жамоасидан олти нафар спортчи миллий терма жамоа сафида ҳаракат қилиб, юқори натижаларга эришди.

Тадбир доирасида «Ёш ўт ўчирувчи — 2017» мусобақасида мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган соғлиқни сақлаш, фавқулодда вазиятлар, ёнгин хавфсизлиги ҳамда қутқарув ишларига доир асосий вазифаларни бажаришга мослаштирилган махсус автомобиллар намойиши ҳам ўтказилди.

Иброҳим АБОБАКИРОВ,
Тошкент вилояти
ИИБ ЁХБ ЖТБ бошлиги,
подполковник

Хабарингиз борми?

Қозогистонда тазквондо (ITF) бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда юртдошларимиз муваффақиятли қатнашиб, 7 олтин, 2 кумуш ва 5 бронза, жами 14 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни банд этди. Хусусан, Владимир Ли иккита олтин медаль соҳиби бўлди. Евгений Ким ва Свғи Мансурова эса биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритди. Ёш тоифаларида Вадим Мун, Андрей Ким, Слава Пак ҳам тенгсизлигини исботлади. Кумуш медалларга Александр Четвериков ва Евгений Ким, қолган бронза медалларга Владислав Мамаев, Сергей Нам ва Лун Дай эга бўлди.

Остона шаҳри (Қозогистон)да бокс бўйича Қозогистон Президенти кубоги учун V халқаро турнирда ўзбекистонлик чарм қўлқоп соҳиблари Қозогистон, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Филиппин, Украина, Қирғизистон, Тожикистон, Мўғулистон ҳамда Эрондан келган боксчилар билан куч синашди.

Анъанавий мусобақада вакилларимиздан Бобо-Усмон Ботиров (69 кг) кумуш, Аброр Қодиров (52), Сулаймон Латипов (60), Рустамжон Исмоилов (91+) бронза медални қўлга киритди.

Тошкент шаҳар Сергели тумани ХТМФМТЭБ 268-мактаб жамоаси мактаб ўқитувчиси
Шоира УМРЗОҚОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



"Ёз концепцияси" таътил даври учун

"Баркамол авлод" Республика болалар бадий ижодиёт маркази томонидан "Ўқувчиларнинг ёзги таътил даврини мазмунли ташкил этиш концепцияси" ишлаб чиқилди. Шу асосда маданий-маърифий ва спорт тадбирларини 15 июндан 15 августгача ҳафтанинг душанба—жума кунлари мунтазам ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ёзги таътил даврида марказдаги тўгараклар, ахборот-ресурс маркази ва маънавият хонаси узлуksиз ишлайди. Болаларнинг таътил кунларини мароқли ўтказиши учун барча имкониятлар яратилди. Ҳар бир ўқувчи ўз қизиқиши ва эҳтиёжига мос равишда "Тасвирий санъат", "Тўқиш", "Мунчоқли безак", "Бичиш-тикиш", "Рақс", "Ёғоч

раббий Муниса Курбоновадан жуда миннатдорман. Унинг кўмагида набирам ўзбек ва жаҳон халқлари рақсларини кунт билан ўрганмоқда. Ёзги таътилни мазмунли ташкил этишга бағишланган тадбирнинг очишида улар ўзбекча, туркча, испанча, корейсча рақсларни маромига етказиб ижро этиб беришди. Бу масканга қатнайдиган бола борки, сира афсусланмайди, биз ота-она, буви-буваларнинг кўнглимиз хотиржам. Чунки фарзандимиз вақтини беҳуда ўтказмастган йўқ.

Асолат АХМАДҚУЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Оромгоҳдаги ҳар бир кун мазмунли ўтсин

Яккасарой туманидаги 144-мактабда "Ёз—2017" тадбирларини самарали ўтказиш бўйича семинар ташкил этилди. Ҳудуддаги мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини намунали ташкил этиш бўйича тажриба алмашди.

— Болаларнинг оромгоҳдаги ҳар бир кунини мазмунли ўтиши таъминлаши керак, — дейди Маънавият тарғибот марказининг Яккасарой туман бўлими мутахассиси Фаёза Рўзиева. — Машғулотларни қизиқарли, янги маълумотлар билан бойитилган ҳолда олиб бориш учун тажрибали педагог-

лар гуруҳ раҳбарлигига тавсия этилди. Шунингдек, ҳар бир соғломлаштириш оромгоҳида болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эҳтиёт чораларини кўриш эътибордан четда қолмаслиги керак.

Семинар якунида "Ниҳол" оромгоҳининг очиши маросими ҳам бўлиб ўтди. Беш гуруҳга жамланган болалар "Моҳир кўллар", "Ёш рассомлар", "Қизиқарли математика", "Тарихим—фаҳрим", "Future intellekt", драма, рақс, турли спорт тўгаракларидаги қизгин машғулотларда иштирок этди. Йиғилганлар намунали ташкил этилган машғулотларни кузатиб, ўзлари фаолият олиб борадиган муассасадаги оромгоҳларда ҳам шу каби қизгин жарафани йўлга қўйишга доир маълумотларга эга бўлишди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири



Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. F-615. Tiraj 51647.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxonasi — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



772010641009

«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.
Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.10 Topshirildi — 22.30

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Xayrulla ABDURAHMONOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

123 56